

НАВОИЙ
ҒАЗАЛЛАРИ
(насрий баён, шарҳ ва изохлар)

ТОШКЕНТ – 2014

Тузувчи ва нашрга тайёрловчи:

Б.Тўхлиев – филология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

И.Хакқулов – филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Х.Ҳомидов – филология фанлари доктори, профессор

Т.Шермуродов – филология фанлари номзоди, доцент

Мазкур монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги айрим ғазалларнинг луғати, насрий баёни ва илмий шарҳ ҳамда изоҳларига бағишланган. Уларнинг барчаси соҳа мутахассислари томонидан амалга оширилган. Бу васифани Боқижон Тўхлиев, Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Зуҳра Мамадалиевалар адо этишган.

Рисола Низомий номидаги ТДПУ илмий-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. У умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчиларига, талабалар, шунингдек, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан кизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Монография ИТД – 1 – 165 “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот гранти лойиҳалари доирасида тайёрланди.

© Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2014 й.

Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун кадах,
Не кўнгул хушлуқ била тортай мени махзун кадах.

Ё мени махрумға хунобайи хижрон бериб,
Ўзга махрамлар била ул ой чекар гулгун кадах.

Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лаб ташнаға
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун кадах.

Сокиё, бу ғусса дафъи масту беҳудлуғдурур,
Тут шафакгун май тўла гар худ эрур гардун кадах.

Рўза ойин кўрмай илгингдин қадахни солмағил,
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун кадах.

Жом эрур мен телбага қонлиғ кўзумнинг косаси,
Лолалар саҳрода бас, гар истаса Мажнун кадах.
Чун фано дайриға кирдим бода тут, эй пири дайр,
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, вагар олгун кадах.

Юз қадах қилгил мурассаъким чекарсен жоми марг,
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун кадах.

Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Аффридун кадах.

– V – – – V – – – V – – – V –

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Рамали мусаммани мақсур

Луғат

Махзун – қайғули, хафа.

Хуноба – қонли ёш.

Гулгун – кизил.

Даҳри дун – разил, пасткаш дунё.

Сокий – май қуювчи.

Шафакгун – шафак рангли.

Худ – ўз.

Гардун – фалак, осмон.

Хилол – янги чиккан ой.

Фано – йўқлик.

Дайр – бутхона, ибодатхона, майхона.

Бода – май.

Пири дайр – майхона пири. бу ўринда пири муршид, яъни устоз.

Зарф – идиш.

Сафол – сопол идиш.

Мурассаъ – кимматбаҳо тошлар билан безалган.

Марг – ўлим.

Афзун – афзал, ортик.

Барқандон – чакмоқли.

Соний – кейинги, иккинчи.

Ғазалнинг насрий баёни ва шарҳи

Алишер Навоийнинг “Қадах” радифли ушбу ғазали тасаввуфий мавзуда бўлиб, унда солиқнинг руҳоний юксалиш жарёнидаги хиссиётларни, нафсни енгиб – ўзликдан воз кечиб, Ҳаққа эришиш йўлида босиб ўтиши зарур бўлган босқичлари анъанавий рамзий усул билан тасвирланади. Маълумки, тасаввуф фалсафасида қадах – май қуйиладиган идиш солиқнинг – Ҳаққа интилаётган инсон қалбининг тимсолидир.

Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун қадах,

Не кўнгул хушлуқ била тортай мени маҳзун қадах.

Мазмуни: Боғ ва гул фасли, яъни баҳор кириб келди, лекин менинг гул юзли ёрим май ичмаяпти. Шундай экан, мен қандай қилиб хушнудлик билан қадах кўтара оламан?

Ғазалнинг матлаъсида шоир ўзининг гулдек гўзал юзли ёрининг май ичиб, хурсандчилик қилмаётганлигини маълум қилар экан, ғамгин оҳангда айтадики, у бу ҳолатда қандай қилиб бир ўзи қадах кўтариши мумкин? Мазкур тасвир рамзий маънога эга бўлиб, мавзунинг тасаввуфона эканлигидан келиб чиқсак, назарда тутилаётган ёрни “мирьоти Ҳақ”, яъни Ҳақнинг кўзгуси бўлган, Унинг нурини ўзида акс эттирган инсон сифатида

тушуниш мумкин. Май ичиш, деганда ошиқ билан ёрнинг ҳамсухбат бўлишнени тасаввур қиламиз.

Матлаъда қўлланган тавзеъ санъати (*бир хил товушлар такрори*: равзаву, гул, еттию, ул, гулгун; хушлук, махзун сўзларидаги у товуши) ҳамда ёрга нисбатан *ой* сўзининг истиора қилиб олинганлиги ифоданинг бадий тасъирчанлигини оширишга хизмат қилган.

*Ё мени маҳрумга хунобайи ҳижрон бериб,
Ўзга маҳрамлар била ул ой чекар гулгун қадаҳ.*

Мазмуни: Ёки ёрим менга қонли ёшдан айрилиқ майини тутиб, ўзи ўзга дўстлари билан гулгун, яъни қизил рангли май ичади.

Иккинчи байтда ошиқ шундай гўзал фасл – кўкламда ёри нима учун май ичмаётганлигини, яъни унга ўз суҳбатини раво кўрмаётганлиги сабабини аниқлашга ҳаракат қилади ва ёр ўз ошиғини унутганлигига боис бошқа дўстлар билан бирга эканлигидадир, деган хулосага келади. Бу ерда шўрлик ошиқ *хунобайи ҳижрон* – қонли ёшдан айрилиқ майини ичиб ғам чекмоқда.

Мазкур байтда товушларнинг ўзаро уйғун такрори етакчилик қилиб (*маҳрум, хуноба, ҳижрон; маҳрам, қадаҳ* сўзларидаги ҳ ва х товушларининг кетма-кет келиши) ҳамда *маҳрум* – *маҳрам* сўзларининг биринчи мисрада уч ҳижодан, иккинчи мисрада икки ҳижодан сўнг, яъни деярли бир ўринда қўлланилиши таъсирчан лирик оҳангни ҳосил қилмоқда.

*Боре ҳар тақдир илаким, бор мени лаб ташнага
Тутмас эрмиш заҳри ғамдин ўзга даҳри дун қадаҳ.*

Мазмуни: Барчаси тақдирдан экан: мен ташналаб бўлган бечорага бу пасташ дунё ҳам ғам заҳридан бошқа қадаҳ тутмас экан.

Учинчи байтга келиб, ошиқ тақдирга тан беради: ёрнинг унга илтифот кўрсатмаслиги – тақдирдан. Ахир, бу дунёнинг эгри бўлгандан кейин, ундан қандай қилиб заҳардан бошқасини кутиш мумкин?

Айни тасвир дунё ташвишларининг ўта бемаъни эканлигини англаб, ўзини Ҳақ йўлига бағишлаш учун гайёр турган инсон қиёфасини, унинг ички дунёсидаги алам ва оғриқни акс эттирмоқда. Кейинги байт бу фикрни тасдиқлайди:

*Соқий, бу гусса дафъи масту беҳудлуғдурур,
Тут шафақгун май тўла гар худ эрур гардун қадаҳ.*

Мазмуни:

Эй соқий, энди бу қайғуни фақат маст бўлиб, ўзни унутиш кетказди, шундай экан, менга шафақдек қизил май тўла қадаҳ тут, агар у гардун – осмон сингари катта бўлса ҳам.

Ёрдан жабр кўрган ошиқ майхона сари йўл олди, у ерда май куйиб ўтирган соқийга қайғусини май кетказишини айтиб, шафақдек қизил майни осмондек улкан қадаҳга сузиб беришини сўраяпти.

Тасаввуфда соқий пири муршид тимсоли эканлигини ҳисобга олсак, байтнинг ботиний, ички маъносини ойдинлашди: дунё ташвишларидан, ғам-қайғудан хориган, ўзини англашни истаётган инсон сулукка – Ҳақ йўлига кирмоқчи. Бунинг учун ўзини руҳан поклаши, ўзи ҳақида тафаккур этиши, нафс кутқуларидан халос бўлиши лозим. Унга шафақдек қизил осмондек қадаҳга қуйилган май ёрдам беради.

Байтда таносиб санъати устуворлик қилиб, *май, қадаҳ, соқий* ҳамда *маст бўлиш* тушунчалари бир-бирини тақозо этиб келмоқда.

*Рўза ойин кўрмай шгингдин қадаҳни солмагил,
Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ.*

Мазмуни:

Рамазон ойи келмагунча қўлингдан қадаҳни қўймагин, шунингдек, байрам яқинлашгач, осмонда ҳилолни, яъни янги чиққан ойни кўрган тунингда ҳам хурсандлик билан қадаҳни қўлингга ол.

Рамазон мусулмонларнинг интиқиб кутадиған, байрамона ўтказадиган, рўза тугиладиган, мўминлар учун Аллоҳга ўзини яна ҳам яқинроқ ҳис этиш имконини берадиган қадрли ойдир. Бу ойда ҳамма ёмон ишлардан, гуноҳлардан тийилади, инсонлар ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман поклашга интилади. Шоир шунга ишора қилиб, Рамазон ойи келмагунча май ичавер, дейди ўзига ўзи. Бу ўринда *май* ва *майхўрлик* сўзининг зоҳирий маъносини эл қандай тушунишига ишора қилади, аслида эса *байрам ҳилоли* – Рамазоннинг илк тундан яна қадаҳни қўлга олиш зарурлигини айтар экан, рўза ибодат ва хайрли ишлар ойи эканлигини англади.

Шоир айна пайтда *рўза* ва *байрам ҳилоли* тушунчаларини келтириш орқали ишқнинг солиқ учун бебаҳо бойлик, абадий байрам эканлигига урғу қаратади, айниқса, иккинчи мисрада биргина *ол* сўзини икки хил маънода тушунишга олиб келувчи ифода мавжуд: “*Лек ол байрам ҳилоли ҳам кўрунган тун қадаҳ*”. Бу ўринда *ол* сўзини ҳам ранг (янги ойнинг қизил бўлиши), ҳам қадаҳни қўлга олиш маъносида тушуниш мумкин, яъни Алишер Навоий мазкур мисрада ийҳом санъатини қўллайди.

*Жом эрур мен телбага қонлиг кўзумнинг косаси,
Лолалар саҳрода бас, гар истаса Мажнун қадаҳ.*

Мазмуни:

Мен телбага қонли кўзимнинг косаси жом, яъни қадаҳдир ва агар Мажнун ҳам қадаҳда май ичишни истаса, саҳродаги лолалар унга қадаҳ бўла олади.

Шоир ўзини телба деб атар экан, ўз кўзини ўзи учун май куйса бўладиган қонли коса сифатида хизмат қилиш мумкинлигини таъкидлайди. Иккинчи мисрада *саҳродаги лолалар* истиораси билан ўз юзи ва кўзини назарда тутади. Яъни юзи сарғайиб, саҳрога айланган, икки қонли кўзи эса Мажнун май ичаман, деса қадаҳ бўла олади. Демак, биринчи мисрадаги тасвир бежиз бўлмай, иккала мисра ҳам байтнинг моҳиятини англашда ўта муҳим ўрин тутади.

Мазкур байтда кўзни қонли косага ўхшатиш (*ташбех*), Мажнун образининг киритилиши (*талмех*) унга бекиёс поэтик жозиба бахш этган.

*Чун фано дайрига кирдим бода тут, эй тири дайр,
Зарф хоҳ эски сафол ўлсун, вагар олтун қидаҳ.*

Мазмуни:

Фано майхонасига кирдим, эй сокий, менга май тўлдириб қадах тут, идишнинг олтин ёки эски сопол эканлиги ахамиятга эга эмас.

Фано майхонаси дейилганда шоир ўзликни унутиш йўлига, яъни Ҳак йўлига кирган соликнинг устоздан нафси енгил йўллари хақида сабоқ оладиган масканни, яъни пир даргоҳини назарда тутар экан, муршиддан май куйиб беришини илтимос қилмоқда. Тўртинчи мисрада ҳам ошникнинг сокийдан май сўраганлигини кўрган эдик, ушбу байтнинг фарқи шуки, солик учун дунёнинг ҳеч қандай кадри қолмаганлиги унга май куйиб бериладиган идишнинг олтин ёки сополлигининг ахамияти йўқ эканлигини айтиш билан кўзга ташланади.

*Юз қадах қилгил мурассаъким чекарсен жоми марг,
Ҳеч ким худ топмади Жамшиддин афзун қадах.*

Мазмуни:

Юзта қимматбаҳо тошлар билан безатилган қадах ясаган ҳам, охир-оқибат ўлим майидан қутула олмаган. Ҳеч ким Жамшиднинг жомидан афзалроқ қадах тополгани йўқ.

Шоир бу байтда “мурассаъ қадах” – қимматбаҳо тошлар билан безалган қадах тимсоли орқали дунё ҳашаматининг бокий эмаслигини, иккинчи байтда “Жоми Жамшид”, яъни бутун дунёни кўрсатадиган жомнинг афзаллигини таъкидлайди. Мусулмон Шаркида жоми Жамшид орқали дунёнинг исталган нуктасини кўриш мумкин, деган ривоятлар мавжуд. Тасаввуфда эса жоми Жамшид маърифатга эришган ориф инсон қалбининг тимсолидир. Чунки унга дунёда пинҳон бўлган бирор сир қолмайди, натижада орифлик мақомидаги солик яшашнинг, умрнинг моҳиятини англаб етади. Шу боисдан, Алишер Навоий маърифатнинг юксак мақоми дунё ташвишларидан юқори эканлигини алоҳида уқтирар экан, байтда жоми Жамшидни устоз – пири комилнинг ориф қалби тимсоли сифатида тасвирламоқда.

Шунингдек, жоми Жамшиддаги майнинг тутамаслиги Аллоҳа бўлган ишкнинг абадийлигига ишорадир, деб ҳам айтиш мумкин.

*Эй Навоий, бизни ёд эткайму барқандон куни
Ичса жоми Жам тилаб сонийи Аффридун қадаҳ.*

Мазмуни:

Эй Навоий, чакмоқ чакқан кунда иккинчи Аффридун Жамшид майини ичган пайтида бизни эслармикан?

Навоий ўзига ўзи мурожаат қилиб, *сонийи Аффридун* – иккинчи Аффридун барқандон куни жоми Жамшиддан май ичаётганда бизни ёдга олармикан, деб орзуманд бўлмоқда.

Тасаввуфда Расули акрам (с.а.в.) умматларини шафоат қилиб, гуноҳларини Аллоҳдан сўраб олгани каби пири муридлар – устозлар шогирдларининг гуноҳларини сўраб оладилар, деган эътиқод мавжуд. Алишер Навоий мактабда бир мурид сифатида киёмат куни – олов ёнган барқандон куни устози Ҳакнинг марҳаматига сазовор бўлганда шогирдини эслашидан умидвор бўлмоқда. Бу ўринда шоирнинг устози, пири Абдурахмон Жомий назарда тутиляпти дейишга бир неча асослар мавжуд, аввало, ғазалда сулукка кирган соликнинг ҳолати, унинг устозга мурожаати баён этилганлиги ва *жом* сўзининг унумли қўлланганлиги гап Абдурахмон Жомий ҳақида бормоқда, дейишга асос беради.

Эътибор берилса, ғазалда ички, жуда нозик сюжет мавжуд: ошикнинг ўз маъшуғидан жабр кўриши (1–2 байтлар), тақдирдан шикоят ва устознинг хузурига бориши, ишкнинг моҳиятини англаб, ўзини мутлақо Ҳақ йўлига бағишлаши (3–9 байтлар)ни кўрамиз.

Умуман олганда, ғазал буюк шоирнинг бошқа ғазалари каби юксак бадиият билан суғорилган бўлиб, унинг фалсафий моҳияти бу бадиият билан уйғунлашган ҳолда ғазалхонга кўтаринки завқни, теран мушоҳадаларни ҳаёта этади.

Ғазал шеърятда ғазалчиликнинг етакчи вазни – рамали мусаммани маҳзуфда битилган.

Дилнавоз ЮСУПОВА

Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух.
Тоза-тоза хар бири шавқин солиб овоза рух.

Руҳи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек кадинг,
Не ажаб бўлса равон бўлганда элга тоза рух.

Кўйи гардидин ўлуг жон топса тонг йўк, негаким
Туфроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза рух.

Бўлғуси жонон кеби бўлса мужассам суврати,
Хулла кийса суртубон жаннат гулидин ғоза рух.

Чикти жондин пайкар айлаб нозу хусн изхор этиб,
Зор ул пайкарга жон, вола бу хусну ноза рух.

Шавк тийғи бирла солик айласа кўнглини чок,
Файз шаҳристони сайриға топар дарвоза рух.

Эй Навоий, шукрким, йўл топти жонон кўйига
Ҳажр шоми зулматида йўлни оза-оза рух.

– V – – – V – – – V – – – V –
Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Рамали мусаммани мақсур

Луғат

Тар – хўл, нам, тоза.

Шавк – иштиёқ.

Маҳз – тоза, соф.

Кўй – кўча, маҳалла.

Гард – чанг, ғубор.

Тонг йўк – ажаб эмас.

Хулла – кийим, либос.

Ғоза – упа-элик.

Вола – ҳайратда қолган, ҳушини йўқотган.

Тийғ – ханжар, тиғ.

Солик – йўловчи, бу ўринда тариқатга кирган шахс.

Шаҳристон – шаҳар ичи.

Ҳажр – ҳижрон, айрилик.

Ғазалнинг насрий баёни ва шарҳи

Мазкур ғазал тасаввуфий мавзуда бўлиб, инсон руҳининг Руҳи Мутлақ – Ҳакка бўлган эҳгиёжи, интилишини ўзида ифодалайди. Куръон каримдаги “Ал-Исроъ” сурасининг 85-оятда шундай дейилади: “**Эй Муҳаммад, сиздан руҳ – жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз билим берилгандир”.**

Кўришиб турибдики, руҳ Аллохнинг сиридир, ундан бандаларга жуда оз билим берилган. Алишер Навоий “Рух” радифли ғазалида ушбу чегарада туриб фикр юритади ҳамда инсон қалбининг ўзини англаш йўлидаги тафаккурий ва тахайюлий жараёнларини тасвирлаб, Ҳақ йўлидаги соликнинг кечинмаларини, йўл кўрсатувчи пири муршид, донишманд устозга муҳтожлигини турли рамзий ишоралар орқали баён этади. Ғазал аруз тизимининг рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган.

Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза руҳ,

Тоза-тоза ҳар бири шавқин солиб овоза руҳ.

Мазмуни:

Эй манга ўзининг пок гулбарг (лаб)идан жон бахш этувчи, ўша гулбаргдаги ҳар бир шабнам шавқидан оламга овоза солгувчи руҳ!

Ғазал руҳга мурожаат билан бошланади *Эй манга жонбахш*, дер экан шоир бу жонбахшлик *гулбаргининг таридан*, яъни лабдан эканлигини баён қилади. Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра, лаб – ёрнинг каломи. пурмаъно сўзлари, бу ўринда эса пири муршиднинг Ҳакни англатиш йўлидаги кўрсатмаларини билдиради. Чунки мазкур ғазалда шоир *руҳ* сўзи орқали соликка йўл бошловчилик қилувчи муршиднинг – устознинг сийратини назарда тутлади. Демак, мазкур байт тариқат йўлига кирган соликнинг устози комил – пири муршидга мурожаатини

англатади.

Байтда мукаррар санъатининг (*тоза-тоза*, шерърда такрорий сўзнинг келиши) қўлланилиши унинг ритмик таъсирчанлигини таъминламоқда.

*Рухи маҳз ул тозаву тар сарви раънодек қадинг,
Не ажаб бўлса равон бўлганда элга тоза рух.*

Мазмуни:

Сенинг рухинг пок, қадинг сарву раънодек экан, файзингдан элга ҳам пок рух насиб этса, не ажаб.

Қадимдан мусулмон Шарқида яхши инсонларнинг, айникса, Аллоҳнинг дўсти бўлган валийларнинг шарофати билан ер юзига бало ва офатлар келмайди, деган ақида бор. Байтда пирга муроат давом этиб, унинг файзи туфайли эл ҳам руҳоний покликка эришиш орзуси баён этилмоқда. Биринчи мисрада пок ва соф маъноларини англаувчи *махз, тоза, тар* каби учта сўзнинг усталик билан қўллаш орқали шоир устознинг қанчалик пок ва Ҳаққа яқинлигини англамоқда.

*Кўйи гардидин ўлуг жон топса тонг йўқ, негаким
Тупроғ ўлди кўйида беҳадду беандоза рух.*

Мазмуни:

Кўчасининг тупроғидан ўлик тан жон топса, ажаб эмас, чунки унинг орзусида рух тупроққа айланди.

Муршиднинг кўчасидаги гард – чангдан ўлик танлар жон топса, нажот топса, бунинг сира ажабланиб, ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Чунки пирнинг ўзи Ёр истагида ўзини тупроққа айлантирган. Тасаввуфда ўзини камтар ва хокисор олиш орқали инсоннинг Аллоҳ наздидаги даражаси юкори бўлиши айтилади. Бунинг учун солиқ ҳамиша тавбада, зикрда бўлиши, дунё маломатларига эътибор бермаслиги лозим. Бу ҳолатда у гўё тупроққа айланиб қолади. Пир ҳам шундай юксак мақомга эришган, шу боисдан унинг гарди – бир зарра чанги ҳам ўлик танга жон бағишлашининг ажабланадиган жойи йўқ.

*Бўлғуси жонон кеби бўлса мужассам суврати,
Хулла кийса суртубон жаннат гулидин ғоза руҳ.*

Мазмун:

Агар у либос кийиб, юзига жаннат гулидан ғоза сурса, жонон киёфасида намоён бўлади.

Бундан олдинги байтда пири комилнинг таърифи берилган бўлса, мазкур байт унга эргашган солиқ хақидадир. У устоздан файз олган, қалбини поклаган, маънан юксалаяпти, агар унинг ички дунёси, ҳиссиётлари одам сувратида тасвирланса, либос кийиб, жаннат гулидан ғоза, яъни упа сурган жонон киёфасида намоён бўларди.

Алишер Навоий бу ўринда Ҳақ сари юксалаётган солиқ қалбининг нурли ва мақоми юқори эканлигини *жаннат гулидан ғоза сурадиган* таърифи билан англатмоқда.

*Чикти жондин пайкар айлаб нозу ҳусн изҳор этиб,
Зор ул пайкарга жон, вола бу ҳусну ноза руҳ.*

Мазмуни:

Ул пари жондан нозу ҳусн изҳор қилиб чикди, энди у парига жон зордир, бу ҳусну ноздан руҳ хайратдадир.

Жондан ноз қилиб чикқан пайкар деганда кимни ёки нимани тушунишимиз керак? Нима сабабдан руҳ унинг нозу ҳуснига зору вола? Бизнингча, бу ўринда шоир “жон” ва “ жондан нозу ҳусн изҳор айлаб чикқан пайкар” таърифи билан икки тушунчага урғу қаратади: “жон” юқорида айтилганидек, муршиддир, “ўз ҳуснини изҳор қилиб чикқан пайкар” рамзий ифодаси эса Аллоҳ ишқини англатади. Яъни мурид пирда Ҳақ ишқи тажаллийсига гувоҳ бўлади. Ана шу “пайкар”га – Аллоҳнинг ишқига жон ҳам зор, унинг ҳусну нозига руҳ ҳам интизор. Энди ушбу байтда *руҳ* дейилганда юксалаётган солиқ назарда тугуляпти. Байтнинг умумий хулосаси қуйидагича: Аллоҳнинг ишқи пирда намоён бўлади, буни кўрган мурид пирга, унинг қалбидаги Ҳақ ишқига талпинади. Муршиднинг мақсади Аллоҳнинг дийдори, васлига эришмоқдир.

*Шавқ тийги бирла солиқ айласа кўнглини чок,
Файз шаҳристонни сайрига топар дарвоза руҳ.*

Мазмуни:

Солиқ ишқ шавқи билан кўнглини чок қилгандагина руҳ файз шаҳристонига кириш учун дарвоза топади.

Ҳақ ишқи йўлидаги солиқ пирнинг файзидан баҳраманд бўлиш, унинг сабоқларини олиш учун нафсини синдириши, иродасини пирнинг иродасига топшириши зарур. Бу эса *“шавқ тийги бирла кўнглини чок қилиш”*дир. Ана шу босқичдан кейингина солиқнинг руҳи *“файз шаҳристонига, яъни устознинг суҳбати, сабоғига кириш учун дарвоза топади.”*

*Эй Навоий, шуқрким, йўл топти жонон кўйига
Ҳажр шоми зулматида йўлни оза-оза руҳ.*

Мазмуни:

Эй Навоий, минг шуқур, руҳинг адаша-адаша ҳажр зулматида жонон сари йўл топди.

Мақтаъда юқорида келтирилган барча фикрлар умумлаштирилмоқда: лирик қаҳрамон *жонон*, яъни Ҳақ сари олиб борадиган йўлни топганига шуқур қияпти. Мазкур тугалланмага асосланиб, ғазал мазмунан Ҳаққа интилган солиқнинг пирга, муршидга, йўл кўрсатувчи устозга бўлган эҳтиёжни ифодалайди, деб хулоса қилиш мумкин.

Ғазал поэтик жиҳатдан ҳам мукамал бўлиб, ундаги тасвирларда тақрир (*бир сўзнинг шеърнинг турли ўринларида такрорланиши*) ҳамда муқаррар (*такрорий сўзларнинг қўлланилиши*) санъатлари унумли фойдаланилган бўлиб, бу ғазалнинг ғоявий мазмунига таъсир кўрсатмоқда. Ифода ритмида такрорларнинг устуворлиги муаллиф ҳиссиётларининг жўшқинлигини, айгилаётган фикрдаги урғунинг кучлилигини билдиради. Алишер Навоийнинг ушбу ғазалида шеъринг ритм ва ғоявий мазмуннинг ўзаро мутаносиб тарзда, бир-бирини такозо этадиган даражада уйғунлашиб кетганига гувоҳ бўламиз.

Дилнавоз ЮСУПОВА

Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох,
Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густох.

Не кувват бирла шаҳ густох сўзлашгай анинг бирла
Ки, ваҳм этгай бошиға соя солмоктин хумо густох.

Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлғилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.

Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмай сен,
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густох.

Не муҳриқ водий эрмиш ишқ кўйи даштиким, ул ён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.

Шужоат бирла кирмак кулбайи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни кила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.

Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу дайр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.

Не нозук хўйи бор ул дилрабонингим, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, де олмаслар дуо густох.

Навойи ишқ истиғносини то англади ваҳким,
Қила олмас фиғон фориг, чека олмас наво густох.

V - - - V - - - V - - - V - - -

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ҳазади мусаммани солим

Луғат

Густох – бетакаллуф, сур киши.

Дам урмоқ – овоз чиқармоқ, нафас чиқармоқ, сўз айтмоқ.

Уруж – кўтарилиш, меърожга чиқиш.

Дайр – бутхона, ибодатхона.

Фоний ўлмоқ – йўқ бўлмоқ.

Далер – кўркмас, довьорак.

Самандар – олов ичида яшовчи афсонавий жонивор.

Муҳрик – қайноқ, оловли.

Самум – иссиқ гармсел шамол.

Харос – кўркиш, даҳшат, ваҳима.

Шижоат – кўркмаслик, ботирлик.

Фақр – муҳтож, ночор; бу ўринда Оллоҳдан бошқага эҳтиёжи бўлмаган шахс.

Хўй – одат, феъл, қилиқ.

Ниёз аҳли – муҳтож кишилар.

Истиғно – эҳтиёжсизлик.

Насрий баён ва шарҳ

Алишер Навоийнинг “Густоҳ” радифли мазкур ғазали тасаввуфий мавзуда бўлиб, солиқнинг мақоми, у босиб ўтиши керак бўлган босқичлар, руҳий тарбия йўллари ҳақида чуқур фалсафий фикрлар илгари сурилган. Ғазал аруз тизимининг ҳазажни мусаммани солим вазнида ёзилган бўлиб, бу унинг моҳиятида қайғу, ғам, синиқиш туйғуларининг кучлироқ эканлигини билдиради. Чунки мусулмон Шарқи шеърлятида, анъанавий тарзда севги, ҳижрон, қайғу туйғуларини ифодалашда асосан, ҳазаж баҳрининг вазнларидан фойдаланилган.

Радиф сифатида танлаб олинган “густоҳ” сўзи луғатда турли маъноларда келади, хусусан, унинг *жасур, кўркмас, довьорак* каби маънолари билан бир қаторда *сурбет, бетакаллуф, бетгачонар* каби салбий хусусиятни ўзида акс эттирувчи маънолари ҳам мавжуд. Шоир ғазалнинг ҳар бир байтида сўзнинг барча маъноларидан унумли ва ўз ўринда моҳирона фойдана олган.

Гадоиш фақр ила сўз айта олмас подшо густоҳ,

Шаҳ оллинда нечукким, дам ура олмас гадо густоҳ.

Мазмуни:

Мискин гадо шоҳ олдида ҳаяжондан бирор сўз айта олмагани каби бетакаллуф подшоҳ фақирлик мақомидаги дарвеш билан сўзлашишг журъат қилолмайд.

Алишер Навоий ижоднѐтида шоҳ ва гадо концепция устувор аҳамият касб этади. Мусулмон Шарқи шеърлятида шоҳ ва гадо ўзаро қарши қўйилади, яъни гадонинг Ҳаққа яқинлиги унинг подшоҳлардан ҳам улуғроқ эканлигини ифодаляйди. Яъни гадо сўзи тасаввуфдаги дарвеш атамаси билан синоним сифатида қўлланилиб, бунда дунѐнинг мохиятини англаб, унга эътибор бермайдиган солиқ киѐфасини тасаввур қиламиз. “Садди Искандарий” дostonида Искандарнинг ўзи дарвешликка, яъни дунѐдан воз кечишга мойил шахс сифатида тасвирланганлиги, қолаверса, турли ўринларда Хусайн Бойқаронинг шоҳ суратидаги дарвеш дея таърифланиши ҳам Алишер Навоий ижодида шоҳ гадо концепцияси ғояларига мойиллик кучли эканлигини билдиради. Эътибор берилса, биринчи мисрада *гадо* сўзи *дарвеш* маъносида келяпти, иккинчи мисрада эса оддий тиланчи гадо тилга олинмоқда. Яъни оддий гадо шоҳ олдида гапира олмайди, аммо дарвеш, яъни Ҳақнинг дўсти бўлган солиқ олдида шоҳнинг тили сўз айтишга айланмай қолади. Бунинг мохиятида гадо шоҳ олдида қанчалик бечораҳол бўлса, Худонинг дўстлари олдида шоҳлар шунчалик бечораҳолдир, деган маъно ётибди.


*Не қувват бирла шах густох сўзлашгай анинг бирла
Ки, ваҳм этгай бошига соя солмоқтин хумо густох.*

Мазмуни:

Қайси куч билан шоҳ у билан бетакаллуф сўзлашсин, ахир унинг бошига бахт куши ҳисобланган хумо ҳам соя солишдан кўркади.

Мазкур байтда дарвешнинг макоми қанчалик юқори эканлигига урғу берилмоқда, шоир бу ўринда *хумо* куши тимсолини келтирар экан, унинг давлат, ҳокимият рамзи эканлигига эътибор қаратади. Мусулмон Шарқида хумо кушининг сояси кимнинг бошига тушса, унга подшоҳлик насиб этади, деган ривоятлар мавжуд. Алишер Навоий ана шунга ишора қилиб, дарвешнинг катъиятини тасвирлар экан, унинг дунѐга, ҳатто подшоҳликка мутлақо безътибор эканлигини англатиш учун, хумо куши ҳам унинг бошига соя солишга хайиқади, деган ифодани ишлатади.

У-7727/4



*Уруж истар эсанг бу дайр ичинда фоний ўлгилким,
Малак узра қадам босиб ўтар аҳли фано густох.*

Мазмуни:

Агар бу оламда юксалишни истасанг бўлсанг, ўз нафсинг устидан ғолибликка эришиб, фоний бўл, чунки фано аҳли, ҳатто фаришталардан ҳам юкоридирлар.

Уруж сўзи меърож сўзининг ўзаги бўлиб, луғавий жиҳатдан юксалиш, юқорига кўтариллиш деган маъноларни англатади. Алишер Навоий ана шу маънога ишора қилиб, солиқнинг юксалиши унинг фано бўлишига боғлиқлигини айтади, фано бўлган инсон фаришталардан ҳам юксак мақомда бўлишини таъкидлайди. Чунки фаришталарга итоат берилгану, нафс берилмаган, инсон Ҳақ йўлида нафсини енгиб, ўзлигини англэр экан, бу унинг даражаси фаришталарга нисбатан юқори бўлишини билдиради.

“Хамса” достонларининг кириш қисмларида Расули акрамнинг (с.а.в.) меърожга чиқишлари тасвир этилиб, унда ул Зотнинг (с.а.в.) Аллоҳ билан бирлашишлари, ўзлигини унутишлари, фано бўлишлари ҳолати каламга олинади. Алишер Навоий мазкур байтда шу ҳолатга ҳам ишора қилмоқда, чунки Расули акрам (с.а.в.) арши аълога кўтарилар эканлар, барча фаришталар таъзим билан бош эгади.

*Бало ичра далир урма қадам то ошиқ ўлмай сен,
Самандар бўлмагунча кирса бўлмас ўт аро густох.*

Мазмуни:

Ошиқ бўлмасдан туриб, бало даштига довбюракман, дея қадам босма, чунки ҳар қандай кўркмас инсон ҳам самандарга айланмагунча олов ичига қира олмайди.

Ривоятларда айтилишича, самандар деган жонивор бўлиб, у оловда ёнмас экан. Навоий ушбу байтда тамсил санъатини қўллаб, биринчи мисрадаги фикрини иккинчи мисрада самандарнинг ҳолатини келтириш орқали исботлайди. Бу ўринда шоир самандар *тасаввуфда нафс оловини* енгиш маъносини англатишига ишора қилмоқда. “Фарход ва Ширин” достонида

Фарход нафс рамзи ҳисобланган аждаҳо билан жанг килар экан, танасига *самандар ёғини* суриб олади, натижада унга аждаҳонинг олови таъсир қилмайди. Демак, байтда шоир ана шу ҳолатни тилга олар экан, солиқ учун нафсни енгиш зарурлигини тамсил билан аниқлатмоқда.

*Не муҳриқ водий эрмиш ишқ қўйи даитиким, ул ён
Ўта олмас самум ўлмоқ ҳаросидин сабо густох.*

Мазмуни:

Ишқ дашти қандай қайноқ водийдирки, ҳатто сабо ҳам гармсел шамолга, яъни самумга айланиб қолишдан қўрқиб, уни кесиб ўтмайди.

Сабо – тонг шамоли. Унинг қанчалик ёқимли эканлиги, саҳарда исталган уйнинг деразасидан эркалик қилиб кириб бориши. боғларда дарахт барглари *ўйнаб*, ажиб ҳолат касб этиши маълум. Аммо сабо ҳам ишқ даштини кесиб ўта олмас экан, чунки бу даштнинг қайноқлиги уни гармселга айлантириб юборади. Бу билан Алишер Навоий ишқ йўлига кириш, сулукдан юриш ҳаммага ҳам насиб этавермаслигини эслатмоқда.

*Шижоат бирла кирмак қулбайи фақр ичра бўлмаским,
Бу вайронни қила олмас ватан ҳар аждаҳо густох.*

Мазмуни:

Шижоат билан фақр қулбасига кириб бўлмайди, чунки ҳар қандай аждаҳо ҳам вайронани ватан қила олмайди.

Сабо каби майинлик билан ишқ даштига қадам қўйиб бўлмагани каби шижоат – куч, қудрат билан ҳам бу йўлга кириб бўлмайди. Алишер Навоий шу фикрни илгари сурар экан, *шижоат* сўз орқали инсон қалбида мавжуд куч-қудрат, манманлик билан фақр қулбасига қира олмаслигини таъкидлайди, чунки фақр мақомига нафсни синдириш, ҳар қандай ўткинчи туйғулардан юксалиш орқали эришилади. Иккинчи мисрада *ҳар қандай аждаҳо бу вайронани ватан қила олмайди* тамсили воситасида нафсини енголмаган одам ишқ йўлидан юра олмайди, деган қарашларини мустаҳкамляпти. Чунки мусулмон Шарқида кенг тарқалган ривоятларга кўра, аждаҳолар

хазиналарни кўриқлар экан, демак, фақр кулбасида кўз билан кўриб бўладиган хазина йўқ экан, ҳар қандай аждаҳо, яъни такаббур нафс эгалари бу ерда қололмайди.

*Чу топмас ҳар неким, тақдирдур, бу даёр аро тағйир,
Адаб эрмасдурур қилмоқ ҳар ишни муддао густох.*

Мазмуни:

Инсон тақдиридаги ҳеч нарсани ўзгартира олмайди, шунинг учун ҳар қандай орзунини мақсад деб билиш ошиқ учун одобдан эмас.

Алишер Навоий тақдир масаласига жуда жиддий қарайди, лавҳу-л-маҳфузда, яъни тақдир китобида битилган ҳолатлар инсон ҳаётида содир бўлишига шубҳасиз эътиқод билан қарайди. Бу унинг муножот руҳи билан сугорилган барча асарларида яққол кўзга ташланади. Хусусан. “Хамса” дostonларининг муножот бобларида, умрининг сўнгида битилган “Муножот” асарида шоир Аллоҳга ёлворар экан, тақдир китобидан ташқари бирор иш қилолмаслигини айтади ва шунинг учун Тангридан лутфу қарам кўрсатишини сўраб ўтилади. Шоир иккинчи мисрада айни шунга ишора қилиб, *ҳар ишни муддао қилмоқ адаб эрмасдур*, дея Худодан дунё истакларини ҳадеб сўрайвериш ошиқ учун ярашмаслигини таъкидлаяпти. Ахир, унга Ҳақ васли керак, дунё эмас.

*Не нозук хўйи бор ул дилрабонингким, ниёз аҳли,
Шикоятқа не етгайким, де олмаслар дуо густох.*

Мазмуни:

У дилрабо шундай нозик феълга эгаки, бор, унга эҳтиёжманд бўлганлар ўз шикоятларини айтиш у ёқда турсин, дуо учун ҳам лаб очолмайдилар.

Алишер Навоий бу ўринда “дилрабонинг хўйи” жумласи орқали Аллоҳнинг қудрати ва жалолиятини акс эттиради. Яъни Ҳақни англай бошлаган, Ун билан чинакам яқинликка эришган солиқ ўз ҳолатидан, ҳажрдан шикоят этиш у ёқда турсин, дуо қилишга ҳам куч топа олмай қолади. Уни маъшукнинг гўзаллиги

ром этиб кўяди. Ислом дини акидаларига кўра, жаннатда Аллоҳ ўз дийдорини ўзи суйган бандаларига намоён қилади, шунда барча хушдан кетади, хушга келганларида эса ҳамма нарсани унутиб: “Аллоҳим, бизга жаннат ҳам керак эмас, яна бир бор дийдорингни бизга намоён қил!” – дея ёлворадилар. Алишер Навоий айни шу ҳолатга ишора қилиб, дийдор чоғи ошиқман деганларнинг ҳаммаси ўзини йўқотиб, сўз айтишга ҳам, дуога ҳам мажол топа олмасликларини баён этмоқда.

*Навоий ишқ истигносини то англади ваҳким,
Қила олмас фиғон фориг, чека олмас наво густох.*

Мазмуни:

Навоий эҳтиёжсизлик нима эканлигини англаб етди, э воҳким, энди ҳар қандай фиғон ҳам уни бу ҳолатдан фориг қила олмайди, ҳеч қандай наво ҳам ифодалаб беришга кодир эмас.

Мақтадан олдинги байтда тасвир этилган ҳолатдан сўнг Навоий истигно, яъни эҳтиёжсизликнинг моҳиятини англаб етди. Энди унга ҳеч нарсанинг зарурати йўқ, у фақат Ҳаққа етмоқ йўлида орзумандлик қилади. Унинг бу ҳолатидан қанча фиғон қилсалар ҳам, фориг эта олмайдилар, ҳар қандай наво ҳам унинг бу кайфиятини ифодалаб бера олмайди.

Мазкур ҳолатда шоир *Навоий* ва *наво* сўзларини келтириш орқали иштиқоқ санъатидан (*байтда ўзакдош сўзларни қўллаш*) фойдаланиб, мазмуннинг бадиий таъсирчанлигини янада кучайтирмоқда.

Умуман олганда, Алишер Навоий ушбу ғазалида тасаввуфий моҳиятни акс эттириб, таъсирчан тамсилларни келтириш ва арузнинг ҳазаж вазнини қўллаш орқали руҳий ҳолатнинг ишонарли бадиий ифодасини яратган.

Дилнавоз ЮСУПОВА

Бахор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту ок шукуфалардур ях.

Бахор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Бихишт ичинда лико бўлмаса эрур дўзах.

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуптур сиришкдин рах-рах.

Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хаста талх.

Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш бағоят шах.

Навоий эгни ялангдур демангки, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.

Магар шах ашҳаби оллинда пайк бўлди сипехр
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эгнида ноҷах.

V --- V --- V --- V --

Мафойилун Мафойилун Мафойилун мафойил

Луғат

Шукуфа – гул.

Бихишт – жаннат.

Лико – юз, жамол.

Хайл – тўда, гуруҳ.

Сириш – кўзёш.

Рах – ажин.

Ғариб – ажойиб, ҳайратланарли.

Талх – аччиқ.

Фано – йўқлик.

Бозу – билак, қўл.

Ҳавос – ҳис-сезгининг қўплиги.

Шах – дағал, қаттик.

Хасир – бўйра, палос, кигиз.

Хора – абрешин мато.

Насиж – тўқилган.

Нах – абрешин ипи.

Ашхаб – кулранг ёки кўк от.

Пайк – хабар, хабарчи, пайғамбар, бу ўринда сипехр хабарчиси. яъни ой.

Ночах – кичик найза.

Насрий баён ва шарҳ

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали мужтасс бахрининг мужтасси мусаммани махбуни мактуъ вазнида ёзилган бўлиб, тасаввуфий мазмунни ўзида акс эттиради.

*Баҳор сенсиз ўлуттур манга ажаб дўзах,
Қизил гул анда ўту оқ шукрфалардур ях.*

Мазмуни:

Баҳор сенсиз мен учун дўзахдир, қизил гуллар олов бўлса, оқ гуллар муз сингаридир.

Ғазалнинг матлаъсида ошиқ учун ёр бўлмаса, баҳор фасли киш каби туюлиб, кўкламда очилган қизил гул олов, оқ гул муз сингари эканлиги баён қилинмоқда. Бу орқали ошиқ учун маъшуқасиз ҳеч нарса керак эмаслиги, ҳатто баҳор ҳам татимаслиги англашиляпти. Демак, табиат тасвирини бериш воситасида шоир ўз кайфиятини баён этар экан, бундай гўзаллик ёрнинг суҳбати, дийдори бўлмаса, завқ бағишламаслигини айтиш баробарида ўз ишқининг накадар кучли эканлигини ҳам сездириб қўяди.

*Баҳор сенсиз агар дўзах ўлса тонг эрмас,
Биҳишт ичинда лиқо бўлмаса эрур дўзах.*

Мазмуни:

Сенсиз баҳорнинг дўзах эканлигига ажабланмаса ҳам бўлади, чунки жаннатда Аллоҳнинг жамолинг, дийдоринг бўлмаса, у ҳам дўзах кабидир.

Мазкур байтда Навоий тамсил санъати орқали баҳор ёрсиз дўзах эканлигига жаннат плоҳий жамолсиз дўзах билан тенгдир, дер экан, *лиқо* сўзи орқали жаннатда юз берадиган илоҳий жамолга ишора килади.

*Хаёли хайли кўзумга келургадур сўё,
Юзумки йўл-йўл ўлуттур сиршикдин рах-рах.*

Мазмуни:

Унинг хаёли кўз олдимда намоён бўлар экан, унинг ҳажрида кўзёшим оқиб, юзимга ажинлардан йўл солган.

Илоҳий жамолни ўйлар экан, лирик қаҳрамон ҳаяжонга тушади, кўзларидан ёш оқади, натижада юзида ажинлардан йўл пайдо бўлади. Навоий бу тасвир орқали ошиқнинг илоҳий дийдорга қанчалик эҳтиёжманд ва интиқ эканлигини ифодалаяпти.

Байтда қўлланилган муболаға санъати (*бўрттириб тасвирлаш*) руҳий ҳолатнинг бадий жиҳатдан янада таъсирчан ифодаланишини таъминлаб бермоқда. *Йўл-йўл* ҳамда *рах-рах* каби сўзларнинг қўлланилиши тақрир санъатини юзага келтириб, ўзига хос ритм ҳосил килади ва кайфиятдаги ҳаяжоннинг кучли эканлигини билдиради.

*Ғариб келмади ширин лабингга аччиғ сўз,
Эмас ғариб чучук мева бўлса хаста талх.*

Мазмуни:

Хаста одамга ширин мева ҳам аччик кўринади, шундай экан, сенинг ширин лабингдан аччиқ сўз чикса, бунга хайрон бўлиш керак эмас.

Мазкур байтдан бошлаб Алишер Навоий Расули ақрамга (с.а.в.) ғойибона мурожаат қилиб, ул Зотнинг (с.а.в.) сўзлари ҳамиша ширин, фасих бўлганлигини айтади ва гоҳида мушриклар учун айтган аччиқ сўзлари уларга таъсир қилмади, уларнинг қалбини очмади, дер экан, хидоят Аллоҳдан бўлишига ишора қилиш баробарида бемор инсон учун ширин мева ҳам аччиқ туюлишини таъкидлайди. Чунки мушриклар бемор каби

бўлсалар, уларга саодатдан хабар бераётган, уларнинг айбу нуксонларини кўрсатиб, тузатишга ундаётган ширин мева каби айтилган сўзлар ҳам аччикдек кўринган.

Байтда *аччик*, *ширин* ва *чучук*, *талх* сўзларининг кўлланилиши орқали юзага чикқан тазод санъати (*байтда зид маъноли сўзларни келтириши*), *ғариб* сўздан турли ўринларда такрорлаш натижасида пайдо бўлган *такрир* санъати ўзига хос бадий-поэтик рух хосил қилмоқда.

*Кўнгул фано кунжидин зўр бозу истарким,
Вужуд панжасини англамиш багоят шах.*

Мазмуни:

Кўнгилда фано бўлиш истаги шунчалик кучлики, у ўзини қутқаргувчи қудратли бир билак истайди, чунки у ўзи учун вужуд каттик бир панжа эканлигини англаб етди.

Кўнгил руҳни вужуд бир панжа каби сиқиб ушлаб турганлигини англаб етди, у тан истакларидан қутулишни, фано бўлиб, Ҳаққа эришишни истар экан, ўзини халос этадиган кучли билакка – *зўр бозуга* эҳтиёжманддир. Чунки вужуд *панжаси* руҳни озод қилиши учун унга бир кучли *билак* – пири муршиднинг ёрдами зарур. Байтда *зўр бозу* – билак, *панжа* каби уядош сўзларни келтириш воситасида кўлланилган *таносиб* санъати, вужудни панжага қиёслаш билан хосил қилинган *ташбеҳ* санъати фикрнинг бадий таъсирчанлигини оширган.

*Навой эғни ялангдур демангки, бордур анга
Фано ҳасири, бало хораси насиж ила нах.*

Мазмуни: Навойни эғни яланг, яъни либоссиз, деб ўйламанг, чунки унда фанодан палос ва абрешин ипидан тўқилган бало матоси бордир.

Алишер Навой лирик қаҳрамон истагини фано бўлиш билан боғлаб, у халқ кўзига либоссиз бир мискин каби кўринаётган бўлса-да, аслида унда фанодан палос ва балодан мато бор эканлигини айтади ва шу орқали тасаввуфдаги жавонмардлик таълимотига ишора қилади.

Шу ўринда “Сабъаи сайёр” дostonида келтирилган шанба

куни қора қасрда Баҳромга айтиб берилган “Фаррух ва Ахий” ҳикоятини эсга олиш зарур. Ҳикоятда Ахийга туҳмат қиладилар, у бору будидан айрилиб, ҳатто кийимсиз қолиб, бир палосга ёпиниб, дўсти Фаррухнинг мамлакатига бориб қолади. Бу ерда Ахийнинг мард ва сахийлиги, энг асосийси, ҳамма нарсадан ажралиб колганда *палос ёпиниб* юрганлигига урғу қаратиш лозим. Ҳикоят моҳиятан рамзий бўлиб, унда Ҳак йўлидаги инсоннинг фидойилиги ва унинг бу йўлда дуч келган кийинчиликлари Ахий тимсолида ёритиб берилган. Шу нуктан назардан олганда, байтда *эгнимда палос бор*, деган маънонинг мавжудлиги шоирнинг жавонмардлик таълимотига, ахийлик фаолиятига бўлган илик муносабатини, мойиллигини билдиради.

Байт кетма-кет келаётган *фано*, *бало*, *хора* сўзлари унинг ритмига сезиларли таъсир кўрсатиб, мазмун билан уйғунлашган ўзига хос оҳангни ҳосил қилмоқда.

*Магар шаҳ ашҳаби оллинда пайк бўлди сипеҳр
Ки, қилмиш ўн кечалик ойни эғнида ночах.*

Мазмуни: Шоҳнинг кулранг оти олдида осмон бир кичик ой каби бўлдики, натижада ўн кечалик ой кичик бир найзага айланди.

Мазкур байтда рамзий ифода усули билан пайғамбарлар султони Расули акрамнинг (с.а.в.) меърожга кўтарилганларига ишора қилар экан, уларнинг меърож тунида минган отлари – ашҳаб (*Буроқ*)нинг олдида осмоннинг ойга (*пайки сипеҳр*) айланганлигини айтиш орқали ислом рамзи ҳисобланган кичик найза устига ўрнатилган янги ойни назарда тутди. Маълумки, тасаввуфда фано бўлиш Расули акрамга эргашишдир. Чунки Муҳаммад (с.а.в.) меърожда фано бўлган эдилар. Демак, фано бўлган инсонга бутун илоҳий сирдан насиба берилади.

Умуман олганда, мазкур ғазал тузилиш жиҳатдан пароканда ғазалга жуда яқин туради, чунки таҳлил жараёнида ҳам байтларнинг ўзаро боғлиқлигини яққол англаш кийин. ҳар бир байт ўзига хос ғояни, ифодани ўзида мужассам этар экан, уларнинг Ҳаққа етишиш учун Уни севиш керак, деган моҳият ўзаро бирлаштириб турганига гувоҳ бўлаемиз.

Дилнавоз ЮСУПОВА

Тонг эмастур, бұлса ҳар сарви парийрухсор шўх,
Лек эрур сарви парийрўюм менинг бисёр шўх.

Гар менинг шўхи ситамкорим парийзод ўлмаса,
Мумкин эрмас одамий бўлмоғлиғ ул миқдор шўх.

Турмаса кон бу кеча кўксум шикофидин не тонг
Ким, эрур кўнглумга кирган чобуки айёр шўх.

Вах, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлигимким. дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўх.

То етишгай жонға еткурган кўнгулга юз бало,
Шукр этарменким, насиб ўлмиш манга дилдор шўх.

Шўхлардин туз қадам қўймоқ чу келмас, воқиф ўл
Ким, ситамгар чобукедур чархи кажрафтор шўх.

Гар десангким жонға етмай ҳар замон бир жаврдин.
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Рамали мусаммани мақсур

Луғат

Тонг эмас – ажаб эмас.

Парирухсор, парийўй – пари юзли.

Бисёр – кўп.

Ситамкор – жабр-зулм қилувчи.

Шикоф – дарз, ёрик.

Чобук – чакқон, эпчил, моҳир.

Туз – тўғри.

Чархи кажрафтор – тескари айланувчи фалак.

Насрий баён ва шарҳ

Алишер Навоийнинг “Шўҳ” радифли ғазали мавзу жихатдан ишқий йўналишда бўлиб, ўзида ёрнинг таъриф-тавсифини ифода этади. Унда тасаввуфий истилохлар, ботиний чуқур маънолар кўзга ташланмайди ва бу ғазалда инсоннинг инсонга бўлган мажозий ишқи тараннум этилганлигини билдиради.

*Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийрухсор шўҳ,
Лек эрур сарви парийрўюл менинг бисёр шўҳ.*

Мазмуни:

Сарвқадли парирухсор ёрларнинг шўҳ бўлиши ажабланарли эмас, лекин менинг париюзли ёрим ҳаммадан шўхроқдир.

*Гар менинг шўҳи ситамкорим парийзод ўлмаса,
Мумкин эрмас одамий бўлмағлиг ул миқдор шўҳ.*

Мазмуни:

Менинг ситамкор шўҳ ёрим парилар авлодидан бўлса керак, чунки инсон фарзандининг бунчалик шўҳ бўлиши мумкин эмас.

*Турмаса қон бу кеча кўксум шикофидин не тонг
Ким, эрур кўнғлумга кирган чобуки айёр шўҳ.*

Мазмуни:

Бу кеча кўксимдаги дарз, яъни ёриқдан оққан қон тўхтамаса, ажабланманг, чунки кўнғлимнинг ичига шўҳ ва айёр ёрим чаққонлик билан кириб олган.

Байтнинг поэтик таъсирчанлигини оширган омиллардан бири муболаға санъатидир. Байтда ифодаланаётган шўҳ ва чаққон ёрнинг ёр кўксини ёриб кириб олганлиги ва бу ёриқдан энди ошиқнинг юрагидан қон оқиши муболаға ҳисобланади.

*Ваҳ, не тонг ҳар лаҳза бетоқатлигимким, дилбарим
Бовужуди ҳусн, ҳам ширин эрур, ҳам бор шўҳ.*

Мазмуни:

Ҳар лаҳза бетоқатлигимга хайрон бўлманг, чунки вужуди гўзал бўлган ёрим ҳам ширин, ҳам шўҳдир.

*То еттигай жонга еткурган кўнгулга юз бало,
Шукр этарменким. насиб ўлмиш манга дилдор шўх.*

Мазмуни:

Жонга эришган кўнгилга юз бало келади, шукурки, менга дилдорларнинг шўхи насиб бўлди.

*Шўхлардин туз қадам қўймоқ чу келмас, воқиф ўл
Ким. ситамгар чобукедур чархи кажрафтор шўх.*

Мазмуни:

Шўхлардан тўғри қадам қўйиш, тўғри иш қилишларини кутиш ақлдан эмас. чунки ситамгар чарх -- дунёнинг ўзи эгри юрувчидир.

Алишер Навоий ушбу байтда мумтоз адабиётдаги анъанавий тасвир – фалакнинг кажрафтор, яъни тескари айланувчанлигини дилраболарнинг бевафо ва ситамкор эканлиги билан боғламоқда.

*Гар десангким жонга етмай ҳар замон бир жаврдин,
Эй Навоий, панд эшит, ёр истама бисёр шўх.*

Мазмуни:

Эй Навоий, агар ёрнинг жабридан жоним омон қолсин, десанг, насиҳатни қулоғингга ол: ўта шўх ёрга кўнгил боғлама.

Шоир мақтаъда зохиран қараганда шўх ёрга кўнгил боғлама, деб уқтираётгна бўлса-да, шўх ёрининг васлидан мамнун эканлиги энгил ҳазил орқали ифодаламоқда.

Ғазал учун аруз тизимининг туркона ва хушоҳанг рамали мусаммани маҳзуф вазнининг танланиши шоир баён этмоқчи бўлган фикр ифодасига ниҳоятда мос келади.

Умуман олганда, ғазал инсоннинг инсонга бўлган муҳаббатини ўзида акс эттиради ва бу орқали шоир покиза ишкнинг ҳаётбахш кучини эътироф этиб, севги инсон калбига ором бағишлашини, бахт ҳисларини туйишга сабаб бўлишини таъкидламоқда.

Ваҳки, хижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Хар киши заҳр ичса бўлғай ком анга ноком талх.

Ҳажр етса май била дедим овунғаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмақ бодайи гулфом талх.

Шоми ҳажримдин не огаҳ, улки хижрон тунлари
Тонгға тегру тўкмади шўробани бир шом талх.

Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин,
Оғзима ҳайвон зулолин айламиш айём талх.

Оғзидин аччиғ сўз айтиб зоҳир этса заҳри чашм,
Айб эмастур писта шўру тонг эмас бодом талх.

Жоми хижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас ани заҳрошом талх.

Носабур ўлмас кўнгулга етса хуноби фироқ,
Не учунким талх май ичкандин ўлмас жом талх.

Умр шаҳди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг заҳри бирла ани даҳри нофаржом талх.

Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, хижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.

– V – – / – V – – / – V – – / – V ~

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилон

Рамали мусаммани мақсур

Луғат

Ком – 1. мақсад, истак; 2. танглай.

Ноком – мақсадга етмаган, иложсиз.

Гулфом – гулранг, қизил.

Шўроба – шўр сув, кўз ёши маъносида.

Саъб – кийин, оғир, мушкул.

Ҳайвон зулоли – тириклик суви.

Захрошом – захар ичиш.

Носабур – сабрсиз.

Даҳр – дунё.

Нофаржом – 1. Бахтсиз; 2. Бефойда, самарасиз.

Баҳра – 1. Ичиш; 2. Дори.

Талх – аччиқ.

Насрий баён

Ҳижрон шарбатидан бизнинг танглаймиз тахир бўлди, гўёки ҳар бир киши захар ичса унга мақсад, яъни ҳар бир кишининг мақсади бўлган бу дунёда яшаш унга мақсадсизлик – нокомлик каби тахир бўлади. Ёки аксинча – биринчи сатрадаги *ком* – мақсад, иккиси сатрадагиси – *танглай* маъносида келаяпти. Яъни: Ҳижрон шарбатидан бизга мақсад тахир бўлди, гўё одам захар ичганда унинг танглайи иложсиз тахир бўлгани каби.

Мен хижрон етган пайти ўзимни май билан овутаман деб ўйладим, лекин, ёрсиз ичилган гулранг бода ҳам тахир туюлар экан.

Мен бечорани хижрондаги аҳволимдан огоҳ бўлганлар борки, ҳар шомда менинг зору нолон ҳолимга ачиниб, тонгга қадар кўз ёши тўкадилар.

Сабрнинг шарбати деган номнинг ўзини ҳам тутманг, бир ой юзли дилбарнинг ҳажри туфайли даврон оби хайвонни ҳам оғзим учун аччиқ қилган.

Оғзидан аччиқ сўз айтиб, захарли нигоҳ билан қараса, ажаб эмас, чунки, писта ўзи шўр бўлиши, бодом тахир бўлиши айб эмас-ку.

Кўнгилга фироқ хунобаси етса ҳам, у сабрсиз бўлмайди, чунки аччиқ май ичган билан жом аччиқ бўлиб қолмайди.

Кўнгилга фироқ хунобаси етса ҳам, у бесабр бўлмайди, негаки,

аччиқ май ичилса ҳам, жомнинг ўзи бундан аччиқ бўлиб қолмайди.

Умр токи охирида бефойда ва бахтсиз дунё уни ўлим захри билан тахир қилмас экан асал каби шириндур.

Васл жомидан баҳра олмоқлик элга насиб бўлса, бизга тахир хижрон шарбати мақсад бўлди.

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилмоқчи бўлган ғазал мазмунан ошикона бўлиб, шакл жиҳатидан мусалсал. яъни силсилалай ғазаллар сирасига киради. Ғазалда ҳижрон тунининг шиддати, заҳар каби аччиқлиги турли бадиий воситалар орқали тасвирланади. Ошиқ ҳолати унинг ҳижрондан шикоятни тадрижий равишда ривожланиб боради ва мақтаъда унинг ҳолати аёнлашиб, фикрлар хулосаланади.

*Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх,
Ҳар киши заҳр ичса бўлгай ком анга ноком талх.*

Матлаъ ошиқнинг ҳижрон шомидаги ўз аҳволидан нолиши билан бошланади. Байтнинг биринчи сатридаги **ком** сўзи танглай маъносини, иккинчи сатридагиси эса мақсад маъносини ифодаламоқда.

Байтда **ком** сўзи ҳар икки сатрда икки хил маънони ифодалаб, тажнис санъатини ҳосил қилмоқда.

*Ҳажр етса май била дедим овунгаймен, валеқ
Ёрсиз бор эрмиш ичмақ бодайи гулфом талх.*

Иккинчи байтда ошиқнинг шикоятни кучайиб боради. Яъни: Мен аввал ҳижрон етган пайти ўзимни май билан овутаман деб ўйлардим, лекин энди билсам, ёрсиз ичилган гулранг бода ҳам тахир туюлар экан.

*Шоми ҳажримдин не огаҳ, улки ҳижрон тунлари
Тонгга тегру тўкмади шўробани бир шом талх.*

Учинчи байтдаги ҳолат ошиқнинг аҳволини кўриб, унга ҳамдард бўлганлар ҳақида. Яъни:

Мен бечорани ҳижрондаги аҳволимдан огоҳ бўлганлар борки, ҳар шомда менинг зору нолон ҳолимга ачиниб, тонгга қадар кўз ёши тўкадилар.

*Шарбати сабр отини тутмангки, бир ой ҳажридин,
Оғзима ҳайвон зулолин айламыш айём талх.*

Нега нафақат ошиқнинг, балки уни ахволидан огоҳ бўлганларни-да ҳижрон кечаси бундай таъсирлантирмоқда?! Бунинг сабаби: бундай оташин ишқнинг сабабчиси бўлган маъшук ҳудди ой кабидир. Ой каби гўзал, ой каби олис, бечора ошиқлар учун унга етиш имконсиз. Навбатдаги байт таҳлили:

Эҳ биродарлар, сабр шарбатини отини айтманглар, мен учун ўша ой юзли гўзалнинг хажридан ҳатто тириклик сувини ҳам бу чархи кажрафтор – тақдир, яъни айём тахир қилиб кўйибди-ку!

Байтда ташхис санъатидан фойдаланилмоқда, яъни *айём* (тақдир, замон) шахслантирилиб, *ҳайвон зулоли* (тириклик суви)ни ошиқ – лирик қаҳрамон оғзига тахир қилиб қўйганлиги айтилмоқда.

*Оғзидин аччиқ сўз айтиб зоҳир этса заҳри чашим,
Айб эмас тур писта шўру тонг эмас бодом талх.*

Бешинчи байтда Навоий гўзал ўхшатишлар орқали маъшуканинг хажри, баъзан ҳатто висоли ҳам унга тахир бўлганлигининг сабабини изоҳламоқда.

Байтда маъшукнинг оғзи пистага ўхшатилиб, унинг шўрлигига, кўзи эса бодомга менгзалиб, унинг аччиқлигига ишора қилинмоқда. Шоир мумтоз адабиётимизда энг кўп ишлатиладиган ташбеҳ санъатига мурожаат қилмоқда. Бундан ташқари *писта ва бодом; оғиз ва чашим; шўр ва талх* сўзлари орқали таносуб санъатидан ҳам фойдаланмоқда.

*Жоми ҳижрон чеккали билдимки, жавринг саъб эмас,
Май неча талх ўлса, кўрмас ани заҳрошом талх.*

Яъни:

Ҳижронинг жомини ичган пайтим менга (аччиқ сўз айтиб, заҳардек нигоҳ билан қараб) қилган жабринг қийин, мушкул эмаслигини билдим, сабаби висол майи канча аччиқ бўлмасин, уни заҳар ичиш билан тенглаштириб бўлмайди-ку!

Байтда Навоий ёрнинг висолини аччиқ бўлса ҳам, кишига ёқиши учун уни маст қилувчи майга, ҳижронини эса заҳарга тенглаштириб, ишоралар орқали ташбеҳ санъатига мурожаат қилмоқда.

*Носабур ўлмас кўнгулга етса хуноби фироқ,
Не учунким талх май ичкандин ўлмас жом талх.*

Байтда биз Навоийга хос некбинликни, ёмон ҳолатдан яхши хулоса чиқаришни кўраимиз. Бу байтда Навоий, тақдир насибаси ҳисобланмиш ҳижронни шаробга, кўнгилни эса жомга қиёсламоқда. Ишоралар орқали ташбех санъатига мурожаат этиш давом этмоқда.

*Умр шахди бас чучукдур, лекин охир қилмаса
Марг захри бирла ани даҳри нофаржом талх.*

Мақтаъдан олдинга байтда, Навоийга хос бўлган тарзда фалсафий фикр ифодаланади.

Яъни:

Умр токи охирида бефойда ва бахтсиз дунё уни ўлим захри билан тахир қилмас экан асал каби шириндур. Бундай ҳолат бўлмайди, яъни ҳар қандай ширин ҳаётнинг охирида аччиқ ўлим бор.

Шундай экан, бу ҳаётнинг ширинлиги ҳам ёлғон, демоқчи Навоий ва барча тасаввуф намояндалари каби дунёни ёлғончи санаб, унга боғланиб қолмасликка даъват этмоқда.

*Васл жомидин Навоий элга бўлди баҳра нўш,
Ваҳки, ҳижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх.*

Мақтаъда шоир яна **ком** сўзи мурожаат этмоқда. Ва бунда ҳам ушбу сўз ҳар икки маънода ишлатилмоқда. Яъни:

Васл жомидан баҳра олмоқлик элга насиб бўлса, бизга тахир ҳижрон шарбати мақсад бўлди,

Ёки:

Бизнинг танглаймиз ҳижрон шарбатидан тахир бўлди.

Ийҳом санъати орқали **ком** сўзини икки маънода ишлатган Навоий ҳар икки ҳолатда ҳам ўзининг насибаси ҳижрон ғами бўлишини айтмоқда ва бунга рози эканлигини изҳор қилмоқда!

Зухра Мамадалиева

Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх,
Қолде ўз ои ҳажрида мендек балоға чарх.

Гар хонумоним истамас эрди қора, недин
Қилди асир ул кўзи, коши кароға чарх.

Фарход бирла Вомику Мажнун чиқиб эди,
Солди мени алар авази деб ароға чарх.

Ул не қуёшдурурки бажуз садқа айламак,
Топмас анга ўзин неча килса мароға чарх.

Не реву мақр эрурки кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлин гадоға чарх.

Гам шоми борди, ул қуёш андоқки гардини
Топмас тилаб ўқуш кўз ила тўтиёға чарх.

Май тутки, фоний ўлди фалақдин баса бино,
Ҳаргиз халал етурмади дайри фаноға чарх.

Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида
Ҳаргиз чу майл қилмади расми вафоға чарх.

Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт
Ким, сен кеби забун эрур амри қазога чарх.

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун

Рамали мусаммани махзуф

Луғат

Ибтило – балога дучор бўлиш.

Бажуз – бошқа.

Мароға – улов хайвонларининг тупроққа беланиши, думалаши.

Рев – макр, хайла.

Ўқуш (ўғуш) – кўп.

Жавфида – ички бўшлиқ, ковак.

Забун – 1. Енгилган, асир бўлган; 2. Заиф, кучсиз, бечора.

Насрий баён

Бир ой юзлidan ёки бир ойдан бери мени ҳижрон баолсига мубтало қилган бу чарх, яъни тақдир, ҳозир ўз оёи ҳажрида мендек балoга қолиб турибди.

Менинг хонумонимни қора қилишни истамас экан, бу қисмат нима учун у кўзи ва қоши қарo гўзалга мени йўлиқтирди экан?

Фарҳод ва Мажнун бу аро (дунё)дан чиққан эди, чарх (тақдир) эса уларнинг эвазига мени аро(сат)га олдимикин?

У қандай бир куёшдурки, унга ўзини бошқача садка айламокни билмаган чарх унинг атрофида думалаб айланмокда.

Бу қандай хийла-макрдирки, ишк йўлидан кирган чарх салтанат аҳлини ҳам гадодан баттар бечора қилиб қўяди!

Фалақдан бино бўлган ҳар қандай нарса фонийликка (йўқликка) юз тутди, бироқ фано дайри – йўқлик майхонаси (*масаввуф истилоҳи бўйича орифлар суҳбати, пири қомил даргоҳи ва масаввуфнинг энг олий мартабаси*)га ҳатто тақдири азалнинг ҳам ҳукми етмайди.

Фалақ (*тақдир, қисмат*)нинг жаврида вафо аҳли йўқ эканлиги ажаб эмас, чунки бу фалақ вафо расмига ҳеч қачон риоя қилмайди.

Тақдирдан нима келса, эй Навоий сарқашлик қилмай, унга итоат этки, ҳатто чархи фалақ ҳам сен каби тақдир – қазонинг ҳукми олдида ожиз ва заиф ҳамда енгилган, асир бўлгандир.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал орифона руҳда бўлиб, шаклан мусалсал ғазаллар турига киради. Ғазал юқоридаги ғазални ҳам мазмунан ҳам шаклан давом эттиргани учун биз бу иккила шеъри бир вақтда, ёки бир-бирига яқин вақтда қоғозга туширилган деб тахмин қилдик. Бу ғазалда ҳам шоирнинг лирик қаҳрамони ҳижрон кунларидан шикоят қилади. Лекин энди унинг ёрдан айрилганлигининг вақти аниқ: у маъшуқини бир ой мобайнида кўрмаган. Бир ой сўз бирикмаси ғазалда турли маъноларда акс

этади. Демак, дастлабки байт, яъни матлаъ:

*Солди бир ойдин айру мени ибтилога чарх,
Қолди ўз оии ҳажрида мендек балога чарх.*

Бир ой юзлидан айиргани ҳолда мени балога дучор қилган бу чарх, яъни тақдир, ҳозир ўз оии ҳажрида мендек балога қолиб турибди. Ёки: бир ойдан бери мени ҳижрон баолсига мубтало қилган бу чарх, яъни тақдир, ҳозир ўз оии ҳажрида мендек балога қолиб турибди.

Маълумки, ҳар ойда уч кун ой кўринмайдиган кунлар бўлади. Навоий мана шу кунларга эътибор қаратиб, мени бир ой юзли маъшуқимдан жудо қилган фалак (тақдир)нинг ўзи ҳам (осмондаги) ойининг ҳижронига мубтало бўлиб, балога қолди, демоқда. Бир ой сўз бирикмаси ийҳом санъати ёрдамида икки хил маънога: ой юзли гўзал ва осмон жисмига ишора этилмоқда.

*Ғар хонумоним истамас эрди қора, недин
Қилди асир ул кўзи, қоши қарога чарх.*

Фалакнинг ойсиз – қоронғу кунларини шоир ўз бошидан кечираётган зулматли ҳижрон дамлари билан қаёслаш асносида ўзининг бу ҳолатига сабаб қидирмоқда. Яъни:

Менинг хонумонимни қора қилишни истамас экан, бу қисмат нима учун у кўзи ва қоши қаро гўзалга мени йўлиқтирди экан?

*Фарҳод бирла Вомиқу Мажнун чиқиб эди,
Солди мени алар авази деб арога чарх.*

Навбатдаги байтда Навоий талмех санъатига мурожаат этиб, машхур ошиқларни ёдга олади ва уларнинг ишқини, тақдирини ўзиники билан қиёслайди: Фарҳод ва Мажнун бу аро (дунё)дан чиққан эди, чарх (тақдир) эса уларнинг эвазига мени аро(сат)га олдимикин?

*Ул не қуёшдурурки бажуз садқа айламак,
Топмас анга ўзин неча қилса марога чарх.*

Навбатдаги байтда шоир маъшукини ойга киёслашга кўнгли тўлмасдан, куёшга менгзамокда. Яъни: У қандай бир куёшдурки, унга ўзини бошқача садқа айламокни билмаган чарх (*энди бу ерда реал фалак маъносида – З.М.*) унинг атрофида думалаб айланмокда.

Демак, бу байтда Навоийнинг маъшуки нафақат ер гўзали бўлган ой юзли, балки, коинотнинг меҳвари – маркази бўлган Маъшуки азалдирки, шундай қудратли чархи фалак ҳам унинг атрофида думалаб айланишдан бошқа чора тополмайди. Умуман, Навоий ижодида бир ғазалнинг ичида бир мазҳарга ва бир манбага мурожаат этиш одатий ҳол ҳисобланади.

*Не реву макр эрурки кириб ишқ йўлидин,
Бечора қилди салтанат аҳлин гадога чарх.*

Ишқнинг қудрати, унинг баъзан гадони шоҳга айлантириши, баъзан эса шоҳни гадога муҳтож қилиши, аклни зое этиши мумтоз адабиётда, хусусан Навоий ижодидаги анъанавий мотивлардан ҳисобланади.

*Ғам шоми борди, ул куёш андоқки гардини
Топмас тилаб ўқуш кўз ила тўтиёга чарх.*

Маъшукни куёшга киёс қилиш давом этади. Яъни: ғам шомида (*чархи фалак*) у куёшнинг гардини кўпдан-кўп нола қилиб ҳам кўзга тўтиё қилиш учун тополмайди.

Демак, бу байтда ҳам Маъшуки азал ҳақида сўз бормокда. Чархи фалак эса – реал осмон маъноси қўлланмокда.

*Май тутки, фоний ўлди фалакдин баче бино,
Ҳаргиз халал етурмади дайри фанога чарх.*

Навбат “бегона байт”га келди. Бу байтда Навоий ўзининг тақдир ва олам, тақдир ва инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини ифодаламокда.

Фалакдан бино бўлган ҳар қандай нарса фонийликка (*йўқликка*) юз тутди, бироқ фано дайри – йўқлик майхонаси (*тасаввуф истилоҳи бўйича орифлар суҳбати, тири комил даргоҳи ва тасаввуфнинг энг олий мартабаси*)га ҳатто тақдири

азалнинг ҳам ҳукми етмайди. Шундай экан, менга йўклик шаробидан куй, дейди шоир ҳаёлидаги илоҳий маърифат шаробини қуюувчи соқийга мурожаат қилиб, мен ҳам тақдири азалнинг ҳукми етмайдиган боқийликка етишай, яъни фано дайрига – йўклик майхонасига ташриф буюрай.

Байтда фано ва фоний сўзлари орқали ҳам таносиб, ҳам тажнис санъатларига мурожаат этилмоқда.

*Аҳли вафо йўқ эрса, не тонг, чарх жавфида
Харгиз чу майл қилмади расми вафога чарх.*

Бироқ шоир лирикаси ва ҳатто унинг деярли бутун ижодида тақдир ҳукми мутлақ – уни ўзгартириб бўлмайди. Банда ундан шикоят қилиши, нолиши мумкин, лекин унинг ҳукмига сўзи ўтмайди. Наватдаги байтнинг маъноси ҳам шундан келиб чиқмоқда:

Фалак (*тақдир, қисмат*)нинг жаврида вафо аҳли (*садоқатли, вафоли кишилар*) йўқ эканлиги ажаб эмас, чунки бу фалак вафо расмига ҳеч қачон риоя қилмайди. Яъни, инсон ҳатто комил бўлиб, йўклик майхонасига кирса-да, вақтнинг ҳукмига бўйсунушига мажбур.

Ғазал мақтаъсида бу фикрнинг исботини яққолроқ кўрамиз.

*Тақдирдин не келса, Навоий, итоат эт
Ким, сен кеби забун эрур амри қазога чарх.*

Тақдирдан нима келса, эй Навоий саркашлик қилмай, унга итоат этки, ҳатто чархи фалак ҳам сен каби тақдирнинг – қазонинг ҳукми олдида ожиз ва заиф ҳамда енгилган, асир бўлгандир.

Мақтаъдаги иқрор ожиз ва заиф кишининг, курашлардан силласи қуриган бечоранинг иқрори эмас, балки тақдирни мардонаворлик билан қарши олмоқчи бўлган даҳо инсоннинг хулосаларидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

Хонақахда халқайи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Ахли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.

Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Хар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.

Ё хаёли банг ёхуд хонақах фикри эди,
Хар каромоту мақомотеки ифшо қилди шайх.

Каф сочиб, фарёд этиб, секриб, паривашларни сайд.
Қилғали, девоналиғлар ошқоро қилди шайх.

Тўк чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуххолдин
Асру кўп нодонни ўз тавриға шайдо қилди шайх.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муридименки файзи ом эрур,
Хонақахда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр аро тинди қулоғим, рохибо, зикринг бахайр
Ким, саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади
Ким, манга тартиб важҳи раҳни саҳбо қилди шайх.

– V – – / – V – – / – V – – / – V –

Фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун

Рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Нақди авқот – нақд вақт, аниқ вақт.

Яғмо – талон-тарож, ғоратгарлик.

Мусалло – жойнамоз.

Ифшо – очмоқ, фош этмок.

Каф – кўпик, тупук.

Жуххол – жоҳилнинг кўплиги.

Тавр – юриш-туриш, хулк.

Масх – ўзгарган, айланган.

Алоло – шовқин-сурон.

Важх – маблағ, пул, мол, нарса, 2 нарх, қиймат.

Раҳн – гаров.

Саҳбо – шароб.

Таманно – истак, хоҳиш, умид.

Насрий баён

Шайх хонақода зикр тушаётган пайтда зикр халқасида ғавғо, тўполон қилди, аҳли диллар (*ҳақиқий ошиқлар*) вақтини ўғирлаб, талон тароҷ қилди.

Қачонки тасбех ва жойнамозга азм қилса, яъни рағбат билдирса, у элни ов қилиш учун бир тузоқ вазифасини бажарарди, холос.

Шайхнинг хаёлида банг чекиш ёки хонақаҳда бўлиш бор эди, холос, шунинг учун у (суратда ўзини) ҳар хил каромат ва мақоматларда кшрсатар эди.

Шайхнинг фарёд этиб, сакраб, тупук сочиб (*ўзича важдо ҳолга тушган бўлиб*) девоналиклар кўрсатишининг сабаби аслида париваш (*парига ўхшаш гўзалларни*) овлаш учун эди.

Хилватга кириб, овқатни урган шайх ўзини рўза деб эълон қилди ва жоҳиллар орасидан кўпчилик нодонни ўз хулқига шайдо қилишга ҳам эришди.

Бовужуди масху нодонлиғ мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.

Дайр пирининг муридименки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.

Дайр аро тинди кулоғим, роҳибо, зикринг бахайр
Ким, саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.

Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади
Ким, манга тартиб ваъжи раҳни саҳбо қилди шайх.

Изоҳ ва шарҳлар

Ушбу ғазалда Навоий ўзини тасаввуфпараст қилиб кўрсатган сохта шайхларни ҳажв қилмоқда. Шунинг учун ғазални мавзу жиҳатдан ҳажвий ғазаллар сирасига ҳам киритиш мумкин. Зеро, ундаги “қаҳрамон”нинг сеكريши (сакраши), каф (тупук) сочиши, алоло (ғавго) қилиши каби ҳолатлар сохта шайхнинг сийратини кулгили тарзда очиб берган.

Ғазал тузилиши жиҳатидан тузилиши жиҳатидан мусалсал ғазаллар сирасига киради, зеро унда маълум бир гоё олинган ва у байтма-байт такомиллашиб борган.

*Хонақаҳда ҳалқийи зикр ичра ғавго қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх.*

Шайх хонақада зикр тушаётган пайтда зикр халқасида ғавго, тўполон қилди, аҳли диллар (*ҳақиқий ошиқлар*) вақтини ўғирлаб, талон тарож қилди.

*Ул бири дом эрди, бу бир дона эл сайди учун,
Ҳар қачонким азми тасбиҳу мусалло қилди шайх.*

Қачонки тасбеҳ ва жойнамозга азм қилса, яъни рағбат билдирса, у элни ов қилиш учун бир тузоқ вазифасини бажарарди, холос.

Навоий сохта шайх ва дарвешлар ҳақида “Ҳайрат ул-аброр”да “Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусида” номли бобда, “Маҳбуб ул-қулуб”да “Риёий шайхлар зикрида” деб номланган бобда махсус тўхталиб ўтган. Бундан ташқари “Лисон ут-тайр”да яшил тўн кийган сохта дарвеш ва гиёҳванд дарвеш ҳақидаги ҳикоятда ҳам сохта кароматфурушларни танқид қилган. Ушбу ғазал ҳам ёзилиши жиҳатдан Навоийнинг эътиқодининг бир қиррасини ифодалаётгани билан ҳам аҳамиятли – ғазалда ўз эътиқодига амал қилмайдиган мунофиқ, кўзбўямачи шайхлар танқид остига олинган.

*Ё хаёли банг ёхуд хонақаҳ фикри эди,
Ҳар каромату мақомотеки ифшо қилди шайх.*

Тасаввуф тарихидан маълуми, баъзи бир ботил (шариатга амал қилмайдиган) тарикатларда мурид тарбиясининг дастлабки босқичларида важх ҳолатига тез кириш учун банг (наша ёки кўкнори) чекишдан фойдаланилган. Навоий бундай ҳолатга каттиқ қарши бўлган ва “Лисон ут-тайр”да махсус гиёҳванд дарвеш ҳақидаги ҳикоятни киритган. Ҳикоятда бир дарвеш банг чекибди ва маст бўлиб вайронага борибди. Вайрона унга жаннатмакон жой бўлиб кўринибди. У вайронанинг бузук деворларига суяниб, жаннатмаконда жонона билан бирга айш қилаётганлиги ҳақида хом хаёл сурибди. Шу пайт вайронадан бир чаён чиқиб, гиёҳванднинг лабидан чақибди. Гаёҳванд эса буни жононанинг бўсаси гумон қилгани он кўзлари очилиб, кайфи тарқабди ва энг сўнги дам ҳам асл ҳақиқатни англаб етибди. Ҳазалдаги ушбу байтда ҳам Навоий сохта шайхнинг мана шундай бемаъни, балки ҳаром одатини танқид қилмоқда:

*Ўзича ҳар каромат ва мақоматларни очаётган шайхнинг
хаёлида асли банг чекишу, хонақо(да алоло қилиш) эди.*

Ҳазал байтлари кўпайгани сари кўз олдимизда “шайх”нинг кулгили башараси очилиб боради:

*Каф сочиб, фарёд этиб, сеcriб, паривашларни сайд.
Қилгали, девоналиклар ошкоро қилди шайх.*

Шайхнинг фарёд этиб, сакраб, тупук сочиб (*ўзича важду ҳолга тушиган бўлиб*) девоналиклар кўрсатишнинг сабаби аслида париваш (*парига ўхшаш гўзалларни*) овлаш учун эди.

*Тўқ чиқиб хилватдин, ўзни рўза деб, жуҳҳолдин
Асру кўп нодонни ўз таврига шайдо қилди шайх.*

Хилватга кириб, овқатни урган шайх ўзини рўза деб эълон қилди ва жохиллар орасидан кўпчилик нодонни ўз хулқига шайдо қилишга ҳам эришди.

Маълумки тарикат вакиллари нафақат рамазон ойида, балки бошқа аксарият пайтларда ҳам кундузи рўза тутишган, тунда эса бедор ҳолда ибодат билан машғул бўлишган. Навоийнинг

“қахрамони” бўлган сохта шайх мана шу ақидага “амал қилган” ҳолда хилватда қорнини тўйдириб, эл кўзига ўзини рўзадор қилиб кўрсатди ва жоҳиллар – яъни илмсизлар орасидаги нодонлардан бир қанча мухлислар орттирди.

*Бовужуди масху нодонлиг мурид айлар учун
Кўп ўзидин масху нодонроғни пайдо қилди шайх.*

Шундай бўлса-да, нодонлардан муридларини кўпайтириш учун ўзидан баттар нодонга айланганларни пайдо қилишда иштирок этди (*ўзининг сохтакорликлари билан бу*) шайх.

Демак, шайхнинг бундай ғайритабiiй “хислатларининг” яна бир сабаби аён бўлди. У муридларини кўпайтириш учун бундай ҳаракатларни амалга ошираётган экан. Маълумки, тасаввуф таълимотида пир ва муридлик муқаддас саналган. Мурид пир учун фарзанд қаторида бўлган ва тариқат силсилалари ота-бола эмас, пир-мурид воситасида тузилган. Бироқ афсуски, бу муқаддас робита ҳам сохта шайхлар томонидан поймол этилиб, пир гўё берган илми эвазига муриддан манфаат кутувчи, мурид эса пирни рози қилиш учун нарзу ниёз берувчи воситага айланган. Бизнинг заминимизда тасаввуф амалиётининг инкирозига учрашининг сабабларидан бири мана шу ҳолат ҳам ҳисобланади. Байтдан англашилган маънога кўра, тасаввуф назарияси ва амалиёти ўз чўққисига етган Навоий замонида ҳам шахсий манфаатлари ва шуҳратпарастлигидан муридларни кўпайтирувчи шайхлар ҳам бўлган экан.

*Дайр пирининг муридименки файзи ом эрур,
Хонақаҳда файзи ом элдин таманно қилди шайх.*

Мен-ку дайр пири (*кекса майхончи, мажозий маънода комил пир*)нинг муридиман, унинг иши оммага файз бериш, бироқ сохта шайх эса мана шу файз олган элдан манфаат истамоқда.

Дайр пири билан шайхни бир-бирига қаршилантириш ҳолати Навоий ижодида анъанага айланган. “Бадое ул-бидоя” девонининг “Аро” радифли илоҳий жамолдан айро бўлган ошиқ изтироблари тасвирланадиган ғазал бор. Ғазал мактаъсида Навоий шундай ёзади:

*Қочса Навоий шайхдин пири муғон сори, не айб,
Ким бор тафовутлар баса мақбул ила мардуд аро.*

Навоий шахдан пири муғон (кекса оташпарааст. мажозий маънода комил пир) томон қочса айб эмаски, қабул бўлган ва рад этилган орасида ҳамиша тафовут бўлган.

Биз таҳлил қилаётган ғазалда шайхнинг манфаат-парастрлигининг тасвири кучайиши билан бирга мана шу байтдан бошлаб, сохта шайх ва дайр пири (комил пир) ўртасида тазод бошланади.

*Дайр аро тинди қулогим, роҳибо, зикринг бахайр
Ким. саҳар зикр айтурида кўп алоло қилди шайх.*

Дайр (майхона, мажозан Аллоҳдан ошиқ ва орифларга файз етувчи маскан)га келиб, қулогим тинди, (қўнғлим жойига тушди, энди эласам) саҳар пайти зикрга тушганда шайх кўп (ва беҳуда) шовкин-сурон қилар экан-да.

Байтда Навоий ғазал матлаъсидаги каби зикрга тушиш пайтдаги шовкин-суронни ноўрин деб ҳисобламоқда. Бу ҳолат Баховуддин Нақшбанд ҳазратларининг самоъни кўриб: “Мо инкор намекунем, инкор ҳам намекунам” (инкор этмаймизу, аммо ўзимиз ундай қилмаймиз) деган сўзлари билан ҳамоҳанг. Ғазал “Бадоеъ ул-бадоя”да йўқ, демак у Навоийнинг ёшлигига хос лирикасига мансуб эмас, балки

*Эй Навоий, хирқасин берди, каромат айлади
Ким, манга тартиб ваъжҳи раҳни саҳбо қилди шайх.*

Эй Навоий, хирқасини бериб гўёки бу хиркани майга алмаштиришим учун имконият яратган ҳолда каромат айлади.

Мен сохта шайхнинг қилмишларини англаганим ҳолда унинг хирқасини (балки берган бемаъни насихатларини) шароб (илохий маърифат)га алмашдим, демоқда улуғ шоир ва сохта шайхнинг асл башарасини кўрсатгани ҳолда бунга имконият беришини унинг каромати деб ҳисобляпти.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.

Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда хуснини санга монанд.

Исо дамидин ўлганким, рух топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.

Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чикдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.

Шахларга гадо андоқким келди букун муҳтож,
Тонгла бўлубон шахлар эҳсонига ҳожатманд.

Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.

Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб кулса
Ким, эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаккарханд.

Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ пожанд.

Не келса Навоийға сендин юз эвурмаским,
Ул зарра дурур, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.

— — V V — — — — — V V — — ~

Мафъувлу мафойилун мафъулу мафойилон

Ҳазажи мусаммани аҳраби мусаббағ

Луғат

Силк – ип, тизим; тизма, қатор, саф.

Волид – ота, падар.

Маъдум – йўқ; йўқ бўлган, йўқлик.

Монанд – ўхшаш, тенг, баробар.

Парканд – парча, бўлак.

Тонгла – тонгда, эрталаб; қиёмат куни.

Гесу – соч.

Силсила – занжир.

Мақсуд – ният қилинган нарса; мақсад, истак, ният, орзу.

Узубат – ширинлик, бу ўринда ширин сўзлаш.

Эш бўлмоқ – ишни пишитмоқ.

Асфори самовий – кўкдан инган китоблар.

Пожанд (позанд) – паҳлавий тилидаги “Жанд” ёки “Занд” итобининг шарҳига доир асар.

Юз эвурмас – юз ўгирмас.

Меҳр – куёш.

Хованд – хўжа, эга, саййид.

Насрий баён

Одамзод, аслида, Одам Атонинг ипига боғланган, ташкаридан караганда ул Зот Сенинг ота-онангдир, аслида эса бутун инсоният Сенга фарзанддир.

Юсуф гўзаллигининг ўхшаши йўқ эди, аммо малоҳат бобида сенга монанд ҳеч ким йўқдир.

Исонинг (алайҳиссалом) нафаси туфайли ўлган инсонлар тирилар эдилар, аммо у сенинг динингдан хабар топгач, жон топди.

Даврон чаманида шундай бир лаҳзада юқори чиқдингки, буни кўрган гул тирноқлари билан юзларини юз пора қилиб тилди.

Бу кун шоҳларга гадолар мухтож бўлмоқда, аммо маҳшар тонгида – қиёмат куни барча шоҳлар Унинг эҳсонига – шафоатига ҳожатманд бўладилар.

Сочларинг толаси сенга мақсадлар занжиридир, жонлар сенинг мажнунингдир, уларни шу занжиринг билан банд қил.

Нутқинг ширинлик борасида шакарнинг устидан кулса, не ажаб, чунки лабингга ахлоқ ва шакар эш бўлган-ку!

Самовий китоб туфайли пожанд йўқ бўлгани каби Сенинг каломингдан барча самовий китоблар бекор бўлди.

Навоийга қандай синов келмасин, у сенинг йўлингдан, суннатларингдан юз ўгирмайди; у бир зарра бўлса, сен куёшсан, у бир кул бўлса, сен хожасан.

Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали анъанавий наът мавзусида бўлиб, Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) таърифига бағишланган. Ғазални таҳлил қилиш жараёнида унинг моҳиятида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг “Шамоиلى Муҳаммадийя” асари маълумотлари мужассам бўлганлигини кўрамыз. Шоир Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ташки қиёфалари, хулқ ва нутқларининг гўзаллигини тасвирлашга алоҳида эътибор қаратади.

*Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда санга волид, маънода санга фарзанд.*

Одамзод, аслида, Одам Атонинг ипига боғланган, ташқаридан қараганда ул Зот Сенинг ота-онангдир, аслида эса бутун инсоният Сенга фарзанддир.

Бу ўринда шоир Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) нури бутун олам яралмасдан олдин мавжуд бўлганлиги ҳақидаги воқеликка ишора қилмоқда. Яъни Аллоҳ таоло: “Ҳабибим Муҳаммад Одам наслидан бўлишини хоҳладим”, – тарзида ҳадиси қудсийда марҳамат қилгани бунга далил ҳисобланади. Бу ҳақда “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам шундай дейилади: “...ман билурманким, Муҳаммад Мустафо алайҳис-салом Одам ўғлонлариндин бўлгуси, бу жаҳонни, ул жаҳонни, ойни, кунни, камуғ нарсаларни анинг севуклиги учун яраттим”¹. Шунга мувофиқ, Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак нури азалдан бўлганлиги сабабидан дунё яралгандир. Алишер Навоий бу қарашни Расуллуллоҳга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) бағишланган барча шеърларида, “Хамса”

¹ Рабғузий, Носуриддин Бурхонуддин. “Қисаси Рабғузий” (Масъул муҳаррир Н. А. Асиялова, Сўз боши Э. Фозиловники). К. 1. – Т.: Ёзувчи, 1990. – Б.15.

достонларининг наът қисмларида акс эттирган. Уларнинг ҳаммасида Муҳаммаднинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунё яратилиши сабабчиси эканлиги алоҳида таъкидланган.

*Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.*

Юсуф гўзаллигининг ўхшаши йўқ эди, аммо малоҳат бобида сенга монанд ҳеч ким йўқдир.

Ҳадиси шарифда Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қиладилар: “Қавмимдан бўлган Юсуф (алайҳиссалом) гўзал, аммо мен ундан малоҳатлироқман”. Алишер Навоий ушбу байт орқали айнан мазкур ҳадисни шеърӣ йўлда баён этмоқда.

*Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,
Билгачки, топар дининг, жсон топти бўлуб хурсанд.*

Исонинг (алайҳиссалом) нафаси туфайли ўлган инсонлар тирилар эдилар, аммо у сенинг динингдан хабар топгач, жон топди.

Маълумки, Исо (алайҳиссалом) нафасидан ўликлар тирилар эди. Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърож кечаси аршга кўтарилар эканлар, осмонда Исо (алайҳиссалом) билан учрашадилар. Шунда Исо алайҳиссалом Сарвари Коинот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан суҳбат қуриб, кўп мамнун бўлади. Навоий ушбу байт учун мазкур диний ривоятни асос қилиб олган. Бундан ташқари, Исога (алайҳиссалом) Муҳаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақида маълум қилинган эди. Бу ҳақда “Қуръон”даги “Соф” сурасида шундай дейилади: “Ийсо ибн Марямнинг:”Эй Бану Исроил! Албатта, мен сизларга Аллоҳнинг ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқловчи ва мендан кейин келадиган Аҳмад исмли Расул ҳақида башорат қилувчи Расулиман”, –деганини эсла” (6-оят)¹.

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 19-жуз. Оламларга раҳмат Пайгамбар – Т.: “Hilol-Nashr” 2013. – Б.37.

*Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди рўхсорини юз парканд.*

Даврон чаманида шундай бир лаҳзада юкори чиқдингки, буни кўрган гул тирноқлари билан юзларини юз пора қилиб тилди.

Мумтоз адабиётимизда, хусусан, Алишер Навоий шеъриятида самони чаманга ўхшатиш анъанаси бор. Мазкур байтда шоир даврон чамани истиораси билан фалакни назарда тутиб, Расули акрамни (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърож тунни аршга кўтарилишларини таъкидламоқда. Ул Зот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърож кечаси арши аълога чиққанларида самони тўлдириб турган юлдузлар гўёки гулнинг сочилиб кетган гулбарглари каби бўлиб, буни Навоий Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ташрифлари билан боғлаб тасвирламоқда.

*Шаҳларга гадо андоқким келди букун муҳтож,
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.*

Бу кун шоҳларга гадолар муҳтож бўлмоқда, аммо маҳшар тонгида – қиёмат куни барча шоҳлар Унинг эҳсонига – шафоатига ҳожатманд бўладилар.

Байтдан икки маънони англаш мумкин: биринчидан, ҳақиқатан бу дунё ҳаётида гадолар шоҳлар иноятига муҳтож, охирадда эса барча Расули акрамга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) тобе бўлади. Иккинчи маъно эса, Аллоҳнинг дўстлари ҳисобланган набийлар – пайғамбарлар ва шайху-авлиёлар халқ ичида султоним, шоҳим деб эъзозланганлиги билан боғлиқ. Уларнинг барчаси қиёмат куни (тонгла) Расуллуллоҳнинг қўл остиларида жам бўладилар. Ҳадиси шарифда Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қиладилар: “Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидидирман ва фахрланиш эмас-ку, қўлимда ҳамд байроғи бўлади. Ўша кунда ҳеч бир набий йўқки, Одамми, ундан бошқасими, ҳаммаси

менинг байроғим остида бўлмаса”¹. Алишер Навоий байтда рамзлар орқали ушбу ҳадисга ишора қилмоқда.

*Гесу санга бўлмишдур чун силсилаи мақсуд,
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.*

Сочларинг толаси сенга мақсадлар занжиридир, жонлар сенинг мажнунингдир, уларни шу занжиринг билан банд қил.

“Шамоиلى Муҳаммадийя” китобида Расули акрамнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) сочлари кулоқларини ёпиб турганлиги айтилади. Шунингдек, қуйидаги маълумотлар ҳам мавжуд: “Жанобнинг зулфи муборақлари икки елкалариға тушиб турар эди”². “...Жаноби Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи васаллам Маккаи мукаррамага бир бор шул ҳайъат билан келдиларки, сочлари тўртга бўлиниб, ўриб қўйилгон эрди”³. Шунга мувофиқ, Алишер Навоий Пайғамбаримизнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) киёфаларини тасвирлар экан, сочларининг бундай узун ва кўркамлигини бир мақсад туфайлидир, деб талқин қилади. Қандай мақсад? Ул Зотга (саллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобалари ва умматдан минглаб инсонлар ошиқ бўлиб, жонларини фидо қилишни истайдилар. Расули акрамнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) сочлари мана шу Мажнун каби ошиқ бўлган инсонларни ҳақ дин йўлига банд қилиш учун хизмат қилади. Бу шоирона гўзал ташбеҳ бўлиб, шоир Муҳаммаднинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) ҳар бир ҳолатларида ҳикмат борлигини мана шундай йўл билан таъкидламоқда.

*Шаққарга узубатда нутқунг не ажаб кулса
Ким, эрнингга эш бўлмиш ахлоқ аро шаққарханд.*

Нутқинг ширинлик борасида шаққарнинг устидан кулса, не ажаб, чунки лабингга ахлоқ ва шаққар эш бўлган-ку!

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 19-жуз. Оламларга раҳмат Пайғамбар – Т.: “Nilol-Nashr” 2013. – Б.19.

² Имом ат-Термизий. Шамоиلى Муҳаммадийя // Таҳрир ҳайъати: Маҳмуд Ҳасаний, Абдулазиз Мансурава, Абдусодиқ Ирисов, Улугбек Долимов ва бошқ.; Саййид Маҳмуд Тирозийнинг туркий таржималарини асли арабча кўлэмаларга таққослаган ҳолда ҳозирги ёзувимизга ўтирувчи Масъудали Ҳақимжонов // Т.: Меҳнат, 1991. – Б.6–7.

Курсатилган манба, Б.12–13

Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) нутқлари жуда гўзал бўлиб, ул Зот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган ҳар бир жумла маъно дурларига тўлиб-тошган бўлар эди. Сарвари Коинот (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч кимга ўринсиз гапирмаганлар. Пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлаш услублари ҳеч кимникига ўхшамайдиган даражада нодир ва бетакрор бўлган. Бу ҳақда “Шамойили Муҳаммадийя” китобида шундай дейилади: “Ҳазрат Оиша розиёллоҳу анҳо дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлари сизларнинг сўзларингиз каби пайдар-пай ва тез-тез бўлмас эди. Балки, соф-соф, ҳар жумлалари бир-биридан алоҳида ва равшан бўлур эди. Мажлисларида бор одам сўзларини тушуниб, ёд ҳам қилиб олур эди”¹.

*Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ пожанд.*

Самовий китоб туфайли зардуштийлар китобининг шарҳи “Пожанд” йўқ бўлгани каби Сенинг каломингдан барча самовий китоблар бекор бўлди.

Расули акрамга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Қуръон” нозил қилина бошлагач, аввалги пайғамбарларга туширилган “Забур”, “Таврот” ва “Инжил” каби илоҳий китоблардаги ҳукмлар бекор бўлди. Мазкур байтда шу ҳодиса эсга олиниш баробарида Расули акрамнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир сўзлари Аллоҳнинг амри билан айтилишига ҳам ишора қилиб ўтилмоқда.

*Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,
Ул зарра дурур, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.*

Навоийга қандай синов келмасин, у сенинг йўлингдан, суннатларингдан юз ўгирмайди; у бир зарра бўлса, сен қуёшсан, у бир қул бўлса, сен хожасан.

Мақтаъда шоир ўзининг Расули акрам (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари йўлида содиқ ва собит эканлигини: “Не

келса Навойга сендин юз эвурмас...” жумласи орқали ифода этаётган бўлса, Расули акрамнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) юксак мақомларини ўзини заррага, қулга, ул Зотни (саллаллоху алайҳи ва саллам) қуёшга, Хожага ўхшатиш орқали таъкидламоқда.

Умуман олганда, Алишер Навойнинг Сарвари Коинот Муҳаммадга (саллаллоху алайҳи ва саллам) бағишланган барча шеърлари Сўз санъатининг беткарор намунаси бўлиб, мазкур ғазал шоир ул Зотнинг (саллаллоху алайҳи ва саллам) қиёфаси, шамойилини тасвирлашга урғу қаратилганлиги ажралиб туради. Ғазалнинг ҳар бир мисрасида буюк шоирнинг Пайғамбаримизга (саллаллоху алайҳи ва саллам) бўлган чексиз муҳаббати сезилиб туради.

Дилнавоз ЮСУПОВА

Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлокидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди харгиз бўлмади фарзанд.

Замонахлидинўзпайванд, агардесангбировбирла
Қилай пайванд боре, қилмағил ноаҳл ила пайванд.

Кўнгул комини кўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен уйла юз парканду сол хар итга бир парканд.

Эшитмайхалқпандин, турфақим панд элғаҳамдерсен,
Қилаолсанг, эшитгил панд, сен ким, элгабермак панд.

Бу фоний дайр аро гар шоҳлиғ истар эсанг, бўлғил
Ғадолиғ нониға хурсанду бўлма шахға ҳожатманд.

Бўлуб нафсингға тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман қила олсанг ани қил банд.

Шакарлаблар табассум қилғанин кўргач кўнгул берма
Ки, бедилларниаччиғийғлатурохирбушакқарханд.

Жаҳонлаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур,
Гирифтор ўлма, вокиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.

Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,
Навойй боғи назми шаққаристонида ул гулқанд.

V --- V --- V --- V ---
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилон

ҳазажи мусаммани мусаббағ

Луғат:

Тузмок – тузатмок, тўғриламок.

Пайванд – улаш, бириктириш, ёпиштириш; алоқа,
Муносабат.

Ноаҳл – номуносиб; тубан, нокас.

Ком – истак, мурод, орзу, тилак.

Парканд – парча, бўлак.

Худ – албатга, ҳақиқатан; ёлғиз, фақат; ўзи.

Ўйла – шундай, ўшандай.

Фоний – ўткинчи, вақтинча.

Дайр – бутхона; майхона; бу ўринда: дунё, жаҳон.

Кайд – боғланиш, кишан, тўсик, тузоқ.

Ранж – машаққат, қийинчилик, заҳмат, азоб.

Дофиъ – қайтарувчи, даф қилувчи, йўқотувчи.

Гулқанд – қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб тайёрланадиган ширинлик.

Насрий баён

Сен ўз хулқингни тўғирла, бошқаларнинг ахлокига қараб хурсанд бўлиб юрма, чунки инсонга ҳеч қачон бировнинг фарзанди чинакам фарзандлик қилмайди.

Замон аҳлидан ким биландир дўст бўлай десанг, яхши инсонларни танла, номуносиблар билан муносабатда бўлма.

Кўнгил орзу-ҳавасларидан воз кеч, агар менинг девона кўнглимга қарасанг, уни юз парча, бўлак ҳолда топасан, сен унинг ҳар бир парчасини итга олиб бориб ташла.

Халқдан панд эшитмай туриб, одамларга насиҳат қиласан, агар қўлингдан келса, элга панд бергунча халқдан насиҳат тингла!

Бу ўткинчи дунёда шоҳликни истасанг, гадолик нонига рози бўл – қаноатли бўл, шоҳларга эҳтиёжманд бўлма!

Нафсинга қул бўлиб, бошқа душманларни енгяпман, деб хурсанд бўлма, агар нафсингни енга олсанг, сенга бу дунёда бошқа душман қолмайди.

Лаби шакар ёрлар табассум билан ноз қилса, кўнглингни бериб қўйма. чунки табассуми ширин бўлган бу ёрлар бедилларни охир-оқибат аччиқ кўзёш тўкишга мажбур қилади.

Дунё лаззатларининг ширинлигини кўриб турибсан, уларга берилиб қолмаганинг учун бу лаззатлар сенинг бандингдир, аммо шуни билиб қўйки, агар уларга гирифтор бўлсанг, сўнг қутула олмайсан, чунки қанд ва қайд (тузоқ) шаклан бир-бирига яқиндир.

Агар кўнглингнидан жаҳолат алами кетишини истасанг, Навоий назми шакарстонидаги гулқанд унинг учун даво бўла олади.

Шарх ва изохлар

Алишер Навоийнинг ушбу ғазали тарбиявий-маърифий мавзуда бўлиб, унда шоирнинг фалсафий қарашлари юксак санъаткорона руҳда акс этган.

*Сен ўз хулқунгни тўзгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.*

Ғазалнинг матлаъсида шоир тамсил санъатини кўллайди: кишига бегонанинг фарзанди фарзандлик қилмагани каби ўзганинг ахлоқи сенинг хулқинг учун ҳеч қандай фойда бермайди. Яъни ҳар бир инсон ўз ички дунёси, калб поклиги учун ўзи қайғуриши лозим.

*Замонаҳлидинўзпайванд, агардесангбировбирла
Қилай пайванд боре, қилмагил ноаҳл ила пайванд.*

Матлаъдаги фикр кейинги байтда ривожлантирилиб, дўстлик учун ишончли, имонли инсонларни танлаш зарурлиги уқтирилмоқда. *Қилмагил ноаҳл ила пайванд* жумласи билан номуносиб инсонларни, яъни *ноаҳлларни* қалбга пайванд қилмаслик кераклиги айтилмоқда.

*Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни
Топарсен ўйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.*

Кўнгул орзу-ҳавасларидан воз кеч, агар менинг девона кўнглимга қарасанг, уни юз парча, бўлак ҳолда топасан, сен унинг ҳар бир парчасини итга олиб бориб ташла.

Кўнгул иши жуда оғир. Кўнгул жуда нозик ва нафис, устига-устига инжиқ, истиғноли хилқат. Унинг истаклари не эканлигини инсон тушуна олмайди. Навоий кўнгул орзу-ҳавасларига эътибор берма, улардан воз кеч, дейди. Нима учун, деб савол берилса, шундай тушунтириш берилмоқда: “мана, менинг девона кўнглимга қара. Сен унинг юз парчага бўлиниб кетганлигини кўрасан. Унинг истакларига кўнавердим. Оқибатда бу орзулар чек билмас даражада кўпайиб кетдики, уларни адо этолмай қолдим, бундан озор топган дил эса юз *парканд* бўлди, азобдан толиқдим, энди бу *паркандларни* итларга бергим келяпти!

Биз бу байтнинг боғинида ишқнинг аламли ҳажри борлигини ҳис қиламиз. Чунки ҳеч қачон дунё истаклари туфайли кўнгил юз парча бўлиши мумкин эмас. Бу ишқ, нима бўлганда ҳам, покиза муҳаббат бўлганлигига шубҳа йўқ. Аслида шоир *кўнгил комини қўй*, деб уқтираётган бўлса-да, замида кўнгилдаги ишқнинг муқаддаслиги, уни асраш зарурлигига кучли ундов бор. Агар асрай олмаса, бунинг катта гуноҳ эканлиги хусусдаги огоҳлантириш *сол ҳар итга бир парканд* жумласи орқали билдирилмоқда.

*Эшитмайхалқпандин, турфақим панд элгаҳамдерсен,
Қилаолсанг, эшитгил панд, сен ким, элгабермак панд.*

Халқдан панд эшитмай одамларга насиҳат қиласан, агар қўлингдан келса, элга панд бергунча, халқдан насиҳат тингла!

Баъзи одамлар бўладики, одамларга насиҳат қилишни, ўзларини ақлли кўрсатишни хуш кўрадилар. Навоий шунга ишора қилиб, худа-беҳуда насиҳат қилишдан қайтаради. Шоирнинг фикрича, ўзгаларга панд ўқигандан кўра бошқаларнинг сўзларини тинглаб кўриш фойдалироқ.

*Бу фоний дайр аро гар шоҳлиг истар эсанг, бўлгил
Гадолиг нонига хурсанду бўлма шаҳга ҳожатманд.*

Бу ўткинчи дунёда шоҳликни истасанг, гадолик нонига рози бўл – қаноатли бўл, шоҳларга эҳтиёжманд бўлма!

Навоий ижодида муҳим ўрин тутган *шоҳ ва гадо* концепцияси мазкур байтда ҳам муайян маънода намоён бўлмоқда. Унга кўра, бу дунёда одамлар устидан ҳукмрон қилаётганлар шоҳ эмас, балки фақрлик нонига қаноат қилганлар чинакам шоҳдирлар. Чунки фақр киши, бу ўринда гадо сўзи билан ифодаланаётган дарвеш мақомидаги инсон, қалбдаги хотиржамлиги, Аллоҳга бўлган муҳаббати туфайли шоҳлардан ҳам юксакдир. Бу дунёда инсонлардан таъма қилган киши хорликка ҳукм қилинади. Лекин кадрини билган, нафсини Ҳақ йўлида тия олган одамнинг баҳоси ҳамиша баланддир.

*Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман қила олсанг ани қил банд.*

Нафсингга кул бўлиб, бошқа душманларни енгяпман, деб хурсанд бўлма, агар нафсингни енга олсанг, сенга бу дунёда бошқа душман қолмайди.

Тасаввуф ғояларига кўра инсон учун энг хавфли ғаним унинг нафсидир. Киши бошқаларни душман деб билмаслиги зарур. Агар ўзга ракибларни енгдим деб, кибрга кетса, нафсга кул бўлган хисобланади. Инсон ўз нафси билан курашиб, ундан ғолиб кела олса, унинг учун бошқа душман қолмайди, аммо бу осон эмас.

*Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма
Ки, бедилларни аччиғийиглату рохирбу шакарханд.*

Лаби шакар ёрлар табассум билан ноз қилса, кўнглингни бериб қўйма, чунки табассуми ширин бўлган бу ёрлар бедилларни охир-оқибат аччиқ кўзёш тўкишга мажбур қилади.

Бу байт орқали ўткинчи дунёда йўлдан оздирувчи майлларга берилиб қолмаслик кераклиги айтилмоқда. Чунки киши дилини бевафо, аммо табассуми гўзал бўлганларга бериб қўйса, кейинчалик азоб чекади, шунинг учун уларнинг нозу-истигноларига кўнгили бермай, қалбни пок сақлаш лозим. Шу ўринда Навоий сўз ўйини воситасида шакарлабларга дилини бериб юборган инсон алал оқибат *бедил* бўлишини таъкидламоқда.

*Жаҳонлаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдур.
Гирифтор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.*

Дунё лаззатларининг ширинлигини кўриб турибсан, уларга берилиб қолмаганинг учун бу лаззатлар сенинг бандингдир, аммо шуни билиб қўйки, агар уларга гирифтор бўлсанг, сўнг кутула олмайсан, чунки қайд (тузук) ва қанд шаклан бир-бирига яқиндир.

Шоир дунё тузоғининг хавфли эканлигини айтар экан, унга илиниб қолмасликка чорлайди. Айниқса, *қанду қайд эрур монанд* бирикмасида икки маъно намоён бўлиб, бадний таъсирчанлик юқори даражада акс этган. Биринчидан, тузоққа, одатда, ўзига тортувчи нарсалар қўйилади. Демак, қанд бор жойда тузоқ бўлиши мумкин. Иккинчидан, *қанд* ва *қайд* сўзларининг араб

алифбосида ёзилишига эътибор қаратилса, уларнинг ўзаро ўхшашлигини кўрамиз: қанд – قند қайд – قيد . Иккала сўзда ҳам шакл бир хил, фақатгина “йо” – ي ва “нун” – ن ҳарфларидаги нукталар маъно фарқлаш учун хизмат қилмоқда. Шоир китобат санъати орқали маънони янада кучайтириб тақдим этмоқда.

*Кўнгулдин жаҳл ранжи дофий гар истасанг бордур,
Навий боғи назми шаққаристонида ул гулқанд.*

Агар кўнглингдан жаҳолат алами кетишини истасанг, Навий назми шаққаристонидаги гулқанд унинг учун даво бўла олади.

Мақтаъда фахрия руҳи сезилади. Навий мусулмон Шарқда анъана ҳисобланган фахрия услуби билан ўз шеърларида инсон қалбини поклайдиган, ёруғликка етаклайдиган ғоялар акс этганлигини таъкидламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳазрат Алишер Навий ушбу ғазали орқали инсон характери, феълу-саъжияси учун зарур бўлган хислат ва фазилатларни санаб, уларни шакллантириш учун керакли тавсияларни бермоқда. Ғазалнинг баъзи байтларида, кўриб ўтганимиздек, тасаввуфий мазмун ҳам устуворлик қилади. Демак, ғазалда тариқатга кирган солиқ учун йўл кўрсатувчилик хусусияти борлиги ҳам айтиб ўтилса, хато бўлмайди.

Дилнавоз ЮСУПОВА

Ёп ул юз ойинасин чексам охи дардолуд,
Бу важҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.

Жаҳонки, оҳим ила тийрадур эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.

Юзунгда ҳар саридин эгма кош эрур ёхуд
Бут оллида ики хиндуға вокӣъ ўлди сужуд.

Май ичти деб мени ёзғурманг, эй мусулмонлар
Ки, раҳматидин эмас ноумид габру жуҳуд.

Қадахки, дайрда истармен ушбу кўзгудин,
Билингки, муғбача акси эрур манга мақсуд.

Қоварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.

Дедимки: суд қилай жон бериб висоли учун,
Навоиё, чу фироқида умр кечти, не суд.

V – V – V V – – V – V – – ~
Мафонлун файлотун мафонлун фаълон

Мужтасси мусаммани махбунн мактуъи мусаббағ

Луғат

Охи даролуд – дардли ох.

Важҳ – сабаб.

Хўблар – гўзаллар, мажозан комил зотлар.

Тийра – қоронғу.

Субҳ – тонг.

Габр – оташпараст.

Жуҳуд – яҳудий.

Дайр – оташпарастлар ибодатхонаси, мажозан майхона.

Мардуд – рад этилган.

Суд – фойда.

Насрий баён

Мен ҳар қачонким оҳ тортадиган бўлсам, гўзаллар томонга тутун майл этади, шунинг учун уларнинг ойна каби юзини ёпинглар.

Қачонки висолинг тонги мавжуд бўлмаса, жаҳон оху нолам қоронғулигидан шом бўлиб тураверади.

Юзингга икки томондан эгилиб турадиган қошинг, гўё бут – санам бўлиб, унинг қаршисда икки ҳинду сажда қилаётганга ўхшайди.

Эй, мусулмонлар, мени “май ичди”, - деб койимангки, ҳатто оташпаст ва яҳудий динидагилар ҳам Тангрининг раҳматидан ноумид эмас.

Майхонада шундай қадаҳ истаيمانки, гўё у кўзгу бўлсину, унда менинг мақсадим бўлган муғбачанинг акси жилолансин.

Унинг итлари кўчасида кўп нола қилганимдан мени қувишди, бу ажабланарли эмас, чунки кўп улиган ит одамларга ёқмаслиги табиий-ку, ахир.

Эй Навоий, энди висол учун жон бериб шундан фойда қилайки, фироқда кечган умрдан не фойда, ахир?!

Шарҳ ва изоҳлар

*Ён ул юз ойинасин чексам оҳи дардолуд,
Бу вазҳдинки, қилур майл хўблар сари дуд.*

Мен ҳар қачонким оҳ тортадиган бўлсам, гўзаллар томонга тутун майл этади, шунинг учун уларнинг ойна каби юзини ёпинглар.

Матлаъданок юзни ойнага ташибеҳ этилгани (ўхшатилгани) ғазалнинг орифона эканлигини кўрсатиб турибди. Чунки тасаввуф адабиётида дунё ва инсоннинг Илоҳий жамолни акс эттирувчи ойна сифатида тасаввур этилиши анъанавий ҳодиса ҳисобланади. Оҳ эса ишқ ғулғуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзасидир. Демак, Навоийнинг лирик қаҳрамони маъшукнинг юзини илоҳий жамолнинг ойнаси сифатида талқин этиб, ўзини илоҳий ишқдан беҳудлик холида оҳ чекишини ойнага тутун тегиши мисолида ҳусни таълил санъатидан фойдаланган ҳолда чиройли далилляпти.

*Жаҳонки, оҳим ила тийрадор, эмас мумкин,
Бу шом дафъи юзунг субҳи бўлмайин мавжуд.*

Қачонки висолинг тонги мавжуд бўлмаса, жаҳон оху нолам қоронғулигидан шом бўлиб тураверади.

Ёр дийдорини ойнага қиёслаш билан кифояланмай уни соф ва покиза тонгга, ўзининг нола-оҳини эса шом қоронғулига қиёс этган Навоий муболағанинг энг юқори даражаси – ғулувга мурожаат қилмоқда. Тонг – тасаввуф адабиётида ошиқ қалбидан мосувонинг тарк этилиши маъносида ҳам қўлланишига эътибор берадиган бўлсак, маъшуқи мажозийнинг пайдо бўлиши ошиққа ҳақиқий ишқдан дарак бермоқда. Зеро, “Фарҳод ва Ширин”да Сукрот ҳаким Фарҳодга таълим бераётиб, мажозий ишқни тонгга, ҳақиқий ишқни куёшга ўхшатиб, аввал тонг отади, сўнгра куёш чиқади, дейди:

*Ангаким қолди гам шомига жовид,
Бурун субҳ ўлди толей, сўнгра хуршед.*

*Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар.*

Навбатдаги байтда гўзал ва оригинал ташбеҳга дуч келамиз:

*Юзунгда ҳар саридин эзма қош эрур ёхуд
Бут оллида ики ҳиндуга воқий ўлди сужуд.*

Юзингга икки томондан эгилиб турадиган қошинг, гўё бут – санам бўлиб, унинг қаршисида икки ҳинду сажда қилаётганга ўхшайди.

Мумтоз адабиётда ёр қошларини меҳробга ўхшатиш анъанавий ташбеҳлардан ҳисобланиб, бу ташбеҳдан кўпгина сўз устозлари каби Навоий ҳам унумли фойдаланган. Навбатдаги байтда эса Навоий ёрнинг қошларини сажда қилаётган икки ҳиндуга ўхшатиб, ҳам уларнинг қоралигига, ҳам эгилиб турганлигига ишора қилмоқда. Унинг юзини эса ҳиндулар ибодатхонларидаги гўзал ҳайкал – санамларга қиёс этган шоир яна ҳусни таълил санъатидан фойдаланмоқда.

*Май ичти деб мени ёзгурманг. Эй мусулмонлар
Ки, раҳматидин эмас ноумид габру жухуд.*

Ёрнинг юзини турли гашбеҳлар воситасида мадҳ этаётган шоир энди ўз аҳволига мурожаат қилмоқда: Эй, мусулмонлар, мени “май ичди”, - деб койимангки, ҳатто оташпаст ва яҳудий динидагилар ҳам Тангрининг раҳматидан ноумид эмас. Байтда мусулмон, габр, жухуд сўзларидан таносуб санъатлари ҳосил этилмоқда.

*Қадаҳки, дайрда истармен ушбу кўзгудин,
Билинги, муғбача акси эрур манга мақсуд.*

Майхонада шундай қадаҳ истайманки, гўё у кўзгу бўлсину, унда менинг мақсадим бўлган муғбачанинг акси жилолансин.

Юқоридаги байтнинг бевосита давоми бўлган ушбу ушбу байтда Навоий яна кўзгу образига мурожаат этади. Бироқ энди мақсад ёр васфи эмас, бир қараганда ҳатто ундан анча узок бўлган май, қадаҳ ва муғбача таърифи. Байтда асосий мотив бўлиб муғбача образи иштирок этмоқда. Муғбача – тасаввуфий истилоҳ бўйича ориф инсон, пири комил вакили, қадаҳ – солиқ кўнгли, дайр (майхона) – илоҳий мажлислар ўтказиладиган маърифат маскани, май эса – илоҳий маърифат маъносида қўлланилади. Демак, ушбу байт юқоридаги байтнинг изоҳи ҳам бўла олади. Юқоридаги ва ушбу байтларнинг ботиний маъноси: Илоҳий билимларни талаб қилди, деб койиманг, эй мусулмонлар, нафақат мен, балки бу илоҳий бодадан Ҳақ йўлидан адашган жухуд ҳам, мажусий оташпараст ҳам ўзича умидвор-ку, ахир.

Мен орифлар суҳбатида шундай йўлбошчи истайманки, унинг қалбимга солган илоҳий билимлари орқали қалбимда унинг илоҳий сиймоси жилолансин.

Демак, Навоий бу байт билан нақшбандия тариқатида ёқланадиган ва бевосита қўяланадиган фано фиш-шайх ҳамда увайсийлик назарияларига ишора қилмоқда. Ушбу назариялар талаби бўйича, мурид аввал комил пирга фано бўлиши, яъни қалбан доимо у билан бирга юрганлек ҳис қилиши, ундан ботиний таълим олиши, кейин эса у орқали Ҳаққа фано бўлиши керак бўлади.

*Коварлар итлари ул кўй аро фиғонимдин,
Не итки, кўп улуса, эл аро бўлур мардуд.*

Унинг итлари кўчасида кўл нола килганимдан мени қувишди, бу ажаблаларли эмас, чунки кўп улиган ит одамларга ёкмаслиги табиий-ку, ахир.

Навоийнинг лирик қахрамони яна орифликдан ошиқлик даъвосига қайтди. Яъни майу майхона баҳсини кўйиб, ёки муғбача акси жилоланадиган қадаҳдан май ичгандан кейин маъшук кўчасига келиб шундай нела-фиғон тортдики, натижада унинг кўчасидаги итлар бечора ошиқни қувиб юборишди. Бироқ садоқатли ошиқ бундан ранжиш ўрнига ҳатто ҳайрон ҳам қолмаяпти. Ўзини ўша итлардан ҳам паст олган ҳолда кўп улиган итни эл қувиб солиши табиий, деб ҳисобляпти.

Маълумки, ит тасаввуф ва умуман мумтоз адабиётда хокисорлик ва садоқат белгиси ҳисобланади.

*Дедимки: суд қилай жон бериб висоли учун,
Навоий, чу фироқида умр кечти, не суд.*

Эй Навоий, энди висол учун жон бериб шундан фойда қилайки, фироқда кечган умрдан не фойда, ахир?!

Пароканда кўринишдаги орифона ғазалнинг лирик қахрамони ҳар бир байтда калбидан кечган маълум кечинмани образлар воситасида тасвирлар экан, мақтаъда одатдагидек унга умумлашма хулоса чиқаради. Ҳақ йўлида, унинг висоли учун жонни фидо этайки, бу ундан айрилиқда, яъни худосизликда кечган умрдан минг марта аълодир.

Бу хулоса инсонни ўз жонига қасд қилишга, худкушликка эмас, балки умрнинг ҳар лаҳзасини хушёрлик билан, Ҳақ ёди билан ўтказишга даъватдир!

Зухра МАМАДАЛИЕВА

Кошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.

Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа захрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушкил эрмиш асрамоғлиг дуд.

Яда тошиға кон етгач ёгин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.

Чу қўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони уйлаким, қилғай киши хушнуд.

Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилғали масдуд.

Тўкулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрим, боре
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.

Туну анжум дема давронға роҳат қилмасун деб майл
Қазо гулмихлар кокти қилиб гардунни қийрандуд.

Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, найлайин қай саридур беҳбуд.

Навойи, Каъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо хувал-мақсуд.

V--- / V--- / V--- / V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ҳажазии мусаммани солим

Луғат

Қиблаи мақсуд – мақсад қибласи.

Барқ – чақмоқ.

Захра – журъат, шижоат, жасорат.

Яда тоши – ёмғир чақирадиган қизил рангли ирим тоши.

Шароболуд – шароб каби, шаробдек.

Дирам – майда пул, чақа.

Жунун – жиннилик, телбалик.

Тифллар – болалар.

Масдуд – тўсылган.

Анжум – юлдузлар.

Қийрандуд – коронғулик, зулмат.

Беҳбуд – 1) саломат, соғлом.

2) яхшилик соғломлик.

Заҳабно водиял-мақсад – мақсад водийсига бориб.

важадно мо ҳувал-мақсуд – мақсадларимизга эришдик.

Насрий баён

Қошинг меҳробини васл аҳли мақсадлари кибласи деб билди, лекин мен ҳажринг аро бошимни ерга юз марта урсам ҳам фойдаси бўлмади.

Ичимда ишқдан юзлаб чакмок чақилса ҳамки, овоз ичкаромққа (ёки уни билдирмокқа) журъат-жасоратим йўк, гўёки бу уй ичига ўт тушсаю, уни гугутивни асраш каби оғирдир.

Қизил рангли яда (ирим-сирим) тошига ёмғир сўраб кон чиқариб, суртилса, осмондан ёмғир ёққани каби лаъл каби қизил лабингга шароб етса, кўзимдан ёмғир каби кўз ёшлари қуйилади.

Доғ кўйиб кўнглимни дардингни иташдан тиндирдинг, тинчитдингки, бу худди гадога майда чақа бериб уни хурсанд қилишга ўхшайди.

(Ишқ ва ҳижрондан) жунун (жиннилик) шу бўлса керакки, парисифат ёшлар отган тошлар бошим узра ёғди ва бу тошлар ақлим эшигини (батамом) тўсди (ёпиб ташлади).

Гул (очилич), тўкилди, булбул ҳам нола-фиғонини тўхтатди, лекин (минг шукурки) сенинг хуснигу, менинг ишқимда нуқсон бўлмади!

Тун ва юлдузлар демаки, қазо (муқаррар тақдир) давронни роҳат қилмасин деб осмонни коронғу қилиб, унга гулмихларни қоқиб қўйибди.

Муножот (тақводорлар) ва харобот (майпараст, риндлар, умрини хурсандчилик билан ўтказадиган қавм, мажозий маънода Ҳақ ошиқлари) аҳлининг ҳам мақсади фақат Ўзингсан, менга ҳам йўл кўрсатмасанг, яхшилик қаерданлигини қайдан ҳам билардим?!

Навой Каъбага бориш ҳавасини қўйки, биз файно дайрини (йўқлик майхонасини), яъни илоҳий ишқда маҳв бўлганлар таълимгоҳини истадик ва мақсад водийсига бориб, (жамики) мақсадларимизга эришдик.

Шарҳ ва изоҳлар

*Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш қиблайи мақсуд,
Бошим юз қатла урсам ерга ҳажрингдин манга не суд.*

Ғазалнинг матлаъси маъшуқ тимсолидаги комил инсонни улуғлаш билан бошланади:

Қошинг меҳробини васл аҳли мақсадлари қибласи деб билди, лекин мен ҳажринг аро бошимни ерга юз марта урсам ҳам фойдаси бўлмади.

Яъни ошиқ комил инсон ҳисобланмиш маъшуқини кўролмай, ундан маънавий баҳра ололмай ҳижронда. Шу ўринда инсоннинг илоҳий даража ва камолоти учун ошиқ бўлиш ҳақида гап кетганда Шамс Табризийдан маънавий шавқ олиб, унга бир умр ошиқ бўлган ва шу ошиқликдан камолот касб этган улуғ шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румийни эсга олиш кифоя. Ёки ушбу байтни яна қуйидагича таҳлил этиш мумкин:

Ҳижронзада ошиқ бевосита маъшуқи Ҳақиқий (Оллоҳ)га мурожаат этиб, улуғ зотлар, авлиёлар, яъни васл аҳлининг мақсади қибласи, яъни ибодатлари билан Сенинг дийдорингга етишди, мен эса бошимни ерга минг марта урсам ҳам, ҳажрингда қолдим ва бир фойда топмадим.

*Ичимда ишқдин юз барқу дам урмоққа заҳрам йўқ,
Уй ичра ўт солиб, ваҳ, мушкил эрмиш асрамоғлиг дуд.*

Ичимда ишқдан юзлаб чакмоқ чақилса ҳамки, овоз ичқармоққа (ёки уни билдирмоққа) журъат-жасоратим йўқ, гўёки бу уй ичига ўт тушсаю, уни тутутини асраш каби оғирдир.

Хусни таълил санъатидан фойдаланган ҳолда шоир ўзининг ҳижрондаги ҳолатини янада чуқурроқ ифодаламақда. Ҳижрон алами ошиқнинг кўнглига чакмоқ чакқандек таъсир кўрсатиши оригинал ташбеҳлардан ҳисобланади.

*Яда тошига қон етгач ёгин ёғқондек, эй соқий,
Ёғар ёмғурдек ашким чун бўлур лаълинг шароболуд.*

Қизил рангли яда (ирим-сирим) тошига ёмғир сўраб кон чиқариб, суртилса, осмондан ёмғир ёққани каби лаъл каби қизил лабингга шароб етса, кўзимдан ёмғир каби кўз ёшлари қуйилади. Ушбу байтда Навоий ёрнинг лабига шароб етса, ошиқнинг рашқдан кўзларидан ёш қуйилишини ажойиб ташбеҳ орқали ифодаламоқда. Байтда “о” товушининг такрори тавзеъ санъатини (тоши, қон, ёгин, ёғқондек, соқий, ёғар, ёмғурдек, шароболуд) ҳосил қилмоқда. Байтнинг орифона маъноси эса қуйидагича: Комил инсоннинг жон бахш этувчи лабидан илоҳий маърифатга оид сўзлар чиқиши билан унга талабгор муриднинг кўзларидан ёмғирдай талаб кўзёшлари оқади.

*Чу қўйдунг доғ тиндурдунг кўнгулни дардинг истардин,
Дирам бирла гадони уйлаким, қилгай киши хушнуд.*

Доғ қўйиб кўнглимни дардингни исташдан тиндирдинг, тинчитдингки, бу худди гадога майда чақа бериб уни хурсанд қилишга ўхшайди. Яна ҳусни таълил санъатига мурожаат этган шоир ошиқ кўнглига маъшукнинг жабри ва ҳижронидан ҳосил бўлган доғларни майда чақаларга қиёслаб, мана шу доғлар билан ошиқнинг гўё кўнгли тинганлигинию, бу ҳолат худди гадога майда чақа бериб уни хурсанд қилиш билан баравар эканлигини таъкидлайди. Бу ишқи илоҳийнинг ориф ошиқ кўнглига кўрсатган таъсирининг санъаткорона ифодасидир.

*Жунун бу бўлсаким ёғди парийваш тифллар тоши,
Муносибдур бу тошлар ақл эшигин қилгали масдуд.*

(Ишқ ва ҳижрондан) жунун (жиннилик) шу бўлса керакки, парисифат ёшлар отган тошлар бошим узра ёғди ва бу тошлар ақлим эшигини (батамом) тўсди (ёпиб ташлади).

Эътибор берадиган бўлсак, ғазал матлаъсида Навоий ҳижронзада ошиқнинг аҳволидан хабар берганиди, энди эса ғазалдаги ҳар бир байтда унинг ҳолатини чуқурроқ ифодаламоқда ва бунинг учун кўриб ўтганимиз ташбеҳ ва бошқа санъатлардан

фойдаланилмоқда. Навбатдаги байтда хижрондан адоийи тамом бўлган ошиқ ишқидан воз кечмаганлигини ва бунинг сабабини фахр билан таъкидлайди:

*Тўқулди гул, фиғон бас қилди булбул, шукрим, боре
Сенинг ҳуснунг, менинг ишқимда нуқсон бўлмади мавжуд.*

Гул (очилиб), тўқилди, булбул ҳам нола-фиғонини тўхтатди, лекин (минг шукурки) сенинг ҳуснигу, менинг ишқимда нуқсон бўлмади!

Мана шу байтнинг ўзидаёқ мурожаат Маъшуқи Ҳақиқийга бўлаётганини ва унинг ошиғи ҳам ўз аҳдидан қайтмайдиган илоҳий ишқ соҳиби эканлиги англашилади. Ушбу байт билан ғазалдаги ошиқона байтлар тугайди ва ушбу байт айна пайтда кейин келадиган орифона байтларга ўтиш учун кўприк вазифасини ўтайди.

*Туну анжум дема давронза роҳат қилмасун деб майл
Қазо гулмихлар қоқти қилиб гардунни қийрандуд.*

Тун ва юлдузлар демаки, қазо (муқаррар тақдир) давронни роҳат қилмасин деб осмонни қоронғу қилиб, унга гулмихларни қоқиб қўйибди. Навоий ўз анъанасига содиқ қолиб, мактаъдан бир ёки икки байт баҳс юритмоқда.

Улуғ шоир ижодида тақдир ҳукми ҳақ ва ўзгармасдир. (Фақат “Лисон ут-тайр”даги “Шайх Санъон киссаси” бундан мустасно). Юқоридаги байтда ҳам мутлақ тақдир даврон, яъни айланиб тургувчи фалак роҳат қилиб, ўз ихтиёрида айланмасин деб осмонни қоронғу қилиб, унга юлдузларни гул шаклидаги тиконли миҳлар каби қоқиб қўйибди. Яъники, фалак ҳам тақдирдан қочиб ўз ихтиёрича айланолмас экан, унда инсоннинг тақдир олдида қандай ҳадди борлигини тасаввур қилаверинг!

Ушбу байт Навоийни ўз даври астрономия илмидан ҳам чуқур хабардор бўлганлигини кўрсатиб турибди. Яъни ўша давр астрономияси бўйича юлдузлар турғун ҳисобланиб, энг юқори, яъни тўққизинчи фалак ҳисобланмиш осмонда жойлашган, деб англанилган.

*Хароботу муножот аҳлининг матлуби сендурсен,
Манга кўрсатмасанг йўл, найлайин қай саридур беҳбуд.*

Муножот (тақводорлар) ва харобот (майпараст, риндлар, умрини хурсандчилик билан ўтказадиган кавм, мажозий маънода Ҳақ ошиқлари) аҳлининг ҳам мақсади фақат Ўзингсан, менга ҳам йўл кўрсатмасанг, яхшилик қаерданлигини қайдан ҳам билардим?!

Навоий ижодида мудом масжид ва майхона, хонақоҳ ва дайр, зоҳид ва дайр пири, обид ва ринд образлари бир-бирига қарама-қарши қўйилади ва биринчилари сохтакор ва мунофиклар сифатида танқид қилинса, иккинчиси мақсад манзили ва содиқ ошиқлар маъносида тараннум этилади. Ушбу байтда эса улуғ шоир ҳар икки макон ўзаро тенг қўйиб, ибодатхонада тоат қиладиганларнинг ҳам, хароботда илоҳий маърифат бодасидан баҳраманд бўладиганларнинг ҳам мақсади Ўзингсан, қайси йўл яхши ва Ўзинга олиб борувчи эканлигини Ўзинг кўрсат, акс ҳолда мен буни билолмайман, демоқда.

*Навоий, Каъба зикрин қўйки, биз дайри фано истаб,
Заҳабно водиял-мақсад, важадно мо ҳувал-мақсуд.*

Юқоридаги байтда яхши йўлни танлай олмай, Яратганга мурожаат этган шоир энди Ҳақ йўлни топди ва буни қатъият билан изҳор қилмоқда:

Навоий Каъбага бориш хавасини қўйки, биз файно дайрини (йўқлик майхонасини), яъни илоҳий ишқда маҳв бўлганлар таълимгоҳини истадик ва мақсад водийсига бориб, (жамики) мақсадларимизга эришдик.

Иқтибос санъатидан фойдаланилган ушбу байтда Навоийнинг орифона ғазалларидаги анъанавий “фано” сўзи келтирилган. Фано ва фонийлик тасаввуфнинг энг олий мартабаси бўлиб, лирик қаҳрамон ғазал аввалида хижрондан сўз очган, ишқ балоларидан ёзғирган бўлса-да, ғазал сўнгида бу йўлда мақсадига етганини мамнуният билан изҳор этмоқда.

Ушбу ғазал “Бадойиъ ул-бидоя” девонига киритилмаган. Демак, у шоирнинг ёшлик лирикасига мансуб эмас, шунчаки ғазаллар сонининг тартиби учун “Ғаройиб ус-сиғар”га киритилган. Ғазалнинг тузилиши жиҳатдан пароканда фикрлардан яхлит хулоса чиқара олиш борасидаги тажриба ҳам, чуқур шарҳи ҳол мазмунидаги орифона маъно ҳам даҳо ижодкорнинг тажриба ва кузатишлари натижасида қоғозга туширилганлиги кўриниб турибди.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

Демагил кўйини беному нишонларга малоз
Ким, эрур тождеху, мулкситонларга малоз.

Очсалар лаъли майи шавқи била майхона,
Соҳати бўлғай алам дафъиға жонларга малоз.

Эл ёгиндин панаҳ истар киби кўюнг ёди
Водийи фуркат аро ашкфишонларга малоз.

Дайр пири кулидурменким, анинг даргоҳи
Яхшиларга паноҳ ўлдию ёмонларга малоз.

Ҳаббазо, ишқки кирёси фазосидур анинг
Барча беманзилу маъвову маконларга малоз.

Кир фано мулкига форигки, эрур ул кишвар
Охи сўзонлар ила ашки равонларга малоз.

Шоҳи Ғозий эшигин Тенгри базе тутсунким,
Нотавонларга паноҳ ўлдию хонларга малоз.

– V – – V V – – V V – – V V ~

Фоилогун файлогун файлогун файлон

Рамали мусаммани махбуни мақсур

Луғат:

Кўй – катта йўл; кўча, маҳалла; маж.: Ёр манзили.

Малоз – муқаддас даргоҳ; бошпана.

Тождех – шоҳлар шоҳи, подшоҳларга тож бағишловчи.

Мулкситон – жаҳонгир.

Соҳат – майдон, сахн.

Фуркат – жудолик, фирок.

Ашкфишон – кўз ёши тўкувчи.

Дайр пири – зардуштийлик дини пешвоси; майхона эгаси;
маж: комил инсон.

Ҳаббазо – қандай яхши! Офарин! – маъносидаги нидо.

Кирёс – остона, уйнинг кириш жойи.

Фориғ – хотиржам.

Маъво – маскан, яшаш жойи.

Кишвар – ўлка, мамлакат.

Сўзон – ёндирувчи, ўтли.

Ашки равон – кўз ёши оқиб турувчи кимса.

Шохи Ғозий – Султон Ҳусайн Бойқаронинг лақаби.

Нотавон – бечора.

Байтларнинг насрий баёни:

1. Ёрнинг кўйини ном-нишонсиз, бечора кишиларга бошпана дема, унинг кўйи шоҳларга тож бағишловчи ва етти иқлимни ўз тасарруфига олган муқтадир зотларнинг маконидир.

2. Унинг лаълдек жилоланиб турувчи майининг шавқида агар майхона эшигини очсалар, бу майхонанинг саҳни ғам-аламни кеткизувчи бошпанага айланади.

3. Одамлар ёмғирдан паноҳ истагани каби, хижрон водийсида кўзёш тўқувчиларга сенинг кўйинг ёди паноҳгоҳга айланар.

4. Мен дайр пирининг кулиман, негаки унинг даргоҳи яхшиларга ҳам, ёмонларга ҳам бошпанадир.

5. Муҳаббатга офаринлар бўлсин, унинг остонаси барча манзилсиз, уй-жойсиз ва беватанларга бошпана бўлди.

6. Фано мулкига барча ташвишлардан фориғ бўлиб, хотиржам кир, негаки бу диёр кўнглидан ўтли оҳлар чиқарувчи ҳамда кўз ёши тинмас ошиқларга бошпанадир.

7. Шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг даргоҳини Аллоҳнинг ўзи асрасин, негаки бу даргоҳ бечора-нотавон кишиларга паноҳ манзили, хонларнинг бошпанасидир.

Ғазалнинг умумий маъно-моҳияти:

Хазон билмас “Гулистон”да келтирилишича, Шайх Саъдий Шерозий Димишқ жоме масжидида эътикофда ўтирган вақтда ҳукмдорлардан бири у кишининг зиёратига келиб, айтади:

– Кучли бир душман мамлакатимга хавф солмоқда, менга тўғри йўл кўрсатинг.

Шайх Саъдий буюрадилар:

– Бечора раиятинга меҳрибон бўлсанг, кучли душманларингдан кутуласан.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, унинг осойишталиги ва барқарорлиги унда адолат тамойилига оғишмай амал қилинишига чамбарчас боғлиқ. Акс ҳолда, мазлумларнинг охи ҳар қандай мустабид подшоҳнинг салтанатини қулатиши муқаррар. Ҳақ йўлидаги беному нипонлар – дуоסי мустажоб бўлувчи дарвешлар ўз моҳиятига кўра, султонларга тож берувчи, жаҳонгирларга нусрат бағишловчи зотлар ҳисобланади. Негаки, Аллоҳ таоло энг аввало бечоралар ва мискинларга раҳмат назари билан қараши уларни “тождеху мулкситон” қилиши табиий. Байтнинг иккинчи маъноси бевосита тасаввуфнинг маслағига боғлиқ. Негаки, илоҳий даргоҳга восил бўлганлар – ўз эҳтиёжини фақат Аллоҳдан сўраб, ундангина мадад сўрайдиганлар аслида маъно оламининг подшоҳи, кўнгиллар мулкининг соҳибқиронидирлар. Навоий шон-шухратга интилмаган, бандасига арзи эҳтиёж этмаган, ўзининг ожиз банда эканлигини жондан ҳис этганларнинг мақомини юксак баҳолаб, уларни ҳақиқий обрў-эътибор ва иззат соҳиби сифатида таърифлайди.

Иккинчи байтдаги “май” ва “майхона” ҳам ирфоний талқинни талаб қилади. “Май”дан мурод – илоҳий маърифат, ишқ ғалабаси; “майхона” комилликка эришган орифнинг кўнглини англатади. Шунингдек, Ҳақиқий Маҳбуб ишқига гирифтор, илоҳий бодадан сархуш, кўнгли пок ва мусаффо бўлган зотларнинг биргаликда Висол йўлидаги жонбозликлари ҳам майхона истилоҳи орқали ифдаланади. Демак, илоҳий маърифат толиблари агар ишқ талабида Пири комил кўнглида мавж ураётган маърифат майхонасига қадам қўйсалар, табиийки, руҳий хотиржамлик, қалб сакинатиға муяссар бўладилар.

Ёмғир – Аллоҳнинг раҳмати, табиатнинг неъматини. Аммо одамлар ана шу раҳматдан кўпинча қочиб, бошпана излайдилар. Ҳижрон водийсида кўздан ёмғирдек ашқ тўқувчилар учун Ёри азал қўйининг ёди ана шундай бошпана бўлади. Холбуки, уларнинг кўз ёши ёмғири ҳам Аллоҳнинг инояти. Ҳақ ёдида, Ҳақ фиरोкида кўз ёши тўкишнинг ўзи – илоҳий раҳмат нишона бўла туриб, энг меҳрибон ва раҳмли Зот ҳузурига мушарраф бўлиш учун бир боскич...

Навоий яшаган даврда Ҳирот шаҳрида дайр – мажусийларнинг ибодатгоҳи мавжуд бўлмаган. Бу тушунча унинг шеърлятида мажоз йўсинида комил инсон, муршид, пир маъносида қўлланилади. Зардуштийлик динида дайр пири –

мўбад (мағупат)нинг вазифаси – муқаддас оловнинг бир маромда ёнишини таъминлаш ҳамда зиёратчилар учун муқаддас саналган махсус шароб тайёрлаш ва тақсимлаш бўлган. Ирфоний маънода эса, пир – шайх ўз муриди­нинг қалбида ёнаётган Ишқ оловини бир зайлда ёниб туришини назорат қилиб, уларнинг қалбини илоҳий маърифат шароби билан сармаст этади. Шу сабабдан, бундай зотнинг даргоҳи яхшиларга ҳам, ёмонларга ҳам бошпана бўлади.

Ғазалнинг бошидан ном-нишонсизлар, мискин ва бечоралар, май шавқида ёнаётган толиблар, ҳижрон водийсида кўз ёши тўкувчилар, яхшилар ва ёмонларга бирдек бошпана бўлаётган маскан (Ёр кўйи, майхона, дайр пирининг даргоҳи) энди ўз номи билан аталади. Бундай одамларнинг макону маъвоси – Ишқ остонаси. Айнан Ишқ фазоси дунёвий истак ва хоҳишлар занжирларидан қутулган мажнуншева кишилар учун нажот остонаси бўлади. Аммо бу остона фано бўлишликни талаб қилади. Фано водийсига киришнинг биринчи шарты – фориғ бўлишдир. Фароғат – ички ҳурликка эришган, Ишқ занжиридан бошқа бирор кишанга банди бўлмаган кимсаларга насиб этади. Бундай кишиларнинг охи фалакни ўртаб, тўккан ашки саҳрони дарёга айлан­тиришга қодир. Буюк Ишққа мубтало кишиларнинг Дарди ҳам шунга яраша ола­меўз бўлади. Навоий Оламнинг ҳақиқий Подшоҳининг даргоҳи ва бу даргоҳга паноҳ истаб борганларни турли образлар ва истилоҳлар билан васф этганидан сўнг зоҳир оламининг шоҳи – Султон Ҳусайн Бойқаронинг саройи ҳақида мақтаъда сўз юритади. Султон Ҳусайннинг даргоҳи ҳам мискинларга бошпана, подшоҳларга нажот остонаси. Шу сабабдан, бу даргоҳ ҳам обод ва маъмур бўлишини Навоий чин кўнгилдан истади.

Олимжон ДАВЛАТОВ

Эй зотинга ҳар неча қилиб ақл тафаккур,
Ул фикрга бўлмайд самаре ғайри таҳайюр.

Юз меҳрга нетсун чу эрур мужиби ҳайрат
Ҳар зарраки, таҳқиқида ақл этса тафаккур.

Идроки камолингни хирад ҳадди соғинган
Бир қатра аро айлади юз баҳр тасаввур.

Кавнайн адам бўлса, вужудунгга не тағйир.
Гар мавж сукун топса, тенгизга не тағайюр.

Қаҳринг йўқ этар халқниким турғали бўлмас,
Сарсар йўлида пашша гуруҳиға таҳаввур.

Бу турфаки, дафъини ярим пашшаға қўйдунг,
Ҳар пил ниҳодеки санга қилди такаббур.

Ҳажринг тунида шамъ киби қолди Навоий,
Ҳар тун не ажаб куйса тўқуб ашки таҳассур.

-- V V -- V V -- V V -- ~
Мафъувлу мафойилу мафойилу мафойил

Ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи максур

Луғат

Зот – моҳият, асл, асос.

Тафаккур – фикр юритиш, ўйлаш, мулоҳаза.

Самар – ҳосил, самара.

Таҳайюр – ҳайратланиш.

Меҳр – қуёш.

Мужиб – сабаб.

Таҳқиқ – бирор нарсанинг ҳақиқатини билиш, ўрганиш.

Идрок – тушуниш, сезиш, фаҳмлаш.

Хирад – ақл, онг.

Ҳадд – чегара.

Баҳр – денгиз.

Кавнайн – икки олам.

Адам – йўқлик.

Тағйир – ўзгариш.

Мавж – тўлкин.

Суқун – соқинлик, тинмок.

Тенгиз – денгиз.

Сарсар – совук шамол, изғирин.

Таҳаввур – ботирлик.

Пил – фил.

Ниҳод – ички олам, ботин олами.

Тақаббур – манманлик, кибрланиш, ўзни катта тутишлик.

Таҳассур – ҳасратда қолишлик.

Байтларнинг насрий баёни:

1. Эй Аллох. Сенинг зотингга ақл қанча тафаккур этса, бу тафаккурдан унга ҳайрат ва иккиланишлардан ўзга ҳосил йўқ.

2. Агар бир зарранинг моҳияти ҳақида тафаккур юритадиган бўлса, адоқсиз ҳайратга дуч келадиган ақл юз куёш моҳияти ҳақида қандай фикрлай олади?!

3. Сенинг камолотингни англашда ожиз ақлнинг чегарасини билмокчи бўлган киши бир томчи сув билан юзта денгизнинг нисбатини тасаввур этсин.

4. Агар икки олам ҳам йўқликка юз тутса, Сенинг Борлигингда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди; денгиз мавжи йўқолса, денгиз суви камаймайди.

5. Сенинг қаҳринг бутун яратикларни йўқ қилиши мумкин, негаки изғирин эсан пайтда пашшалар йўқ бўлиб қолишади.

6. Ажаб ҳолат – Сендан юз ўгириб, кибрланган, ўзини ҳамма нарсага қодир, деб ҳисоблаган зотларни ажалини ярим пашша қўлига топширдинг.

7. Сенинг ҳажрингда Навсий шамъ каби ёниб адо бўлмокда. Ҳар кеча Сенинг ризолигингни истаб, ҳасрат ашқини тўкса, ажабмас.

Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти:

Ғазал анъанавий ҳамд мавзусида ёзилган бўлиб, унда шоир Аллох таолонинг беқиёс кудратини тавсифлаш орқали ўзининг имон-эътиқоди, маслагини шеърый йўсинда ифодалаган. Ирфоний манбаларга кўра, маърифат икки қисмдир – бири Аллох таолони таниш, иккинчиси – бандалик мақомини билиш. “Кимки

ўзини таниса, Раббини танибди” мазмунидаги ҳадисга кўра, ўзликни англаш бевосита Худони таниш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Худони тўлиқ маърифат қилишда инсоннинг қусурли акли ожизлик қилади. “Гулшани роз”да айтилганидек:

*Дар оло фикр кардан шарти роҳ аст,
Вале дар зоти ў маҳзи гуноҳ аст.
Бувад дар зоти Ҳақ андеша ботил,
Маҳоли маҳз дон таҳсили ҳосил.*

(Таржимаси:

*Сифоти Ҳақни ўйлаш шарти роҳдир,
Фикрда зоти Ҳақ эрса, гуноҳдир.
Тафаккур Зоти узра эрса, ботил,
Уринма, бўлмаганй бир нарса ҳосил¹).*

Навоий ҳам Аллоҳ зотига тафаккур этмоқчи бўлган ақл эгаси ҳайратдан ўзга нарса ҳосил этмаслигини билдириб, биринчи ва иккинчи байтда ҳайрат ва унга ўзакдош бўлган таҳайюр ҳақида сўз юритади. Хожа Абдуллоҳ Ансорийга кўра, ҳайрат икки навдир: биринчиси, Худони тан олмайдиганларнинг ҳайрати. Бундай кишилар Аллоҳ таоло моҳияти ҳақида тафаккур этганида бирор нарсага эришолмайдилар, чунки Аллоҳ таолонинг Зоти ҳақида одам боласининг ақл меъёрлари асосида мулоҳаза юритиш имконсиз. Бундай ожизлик оқибатда куфрга олиб келиши табиий. Бир заррада юз куёшни мушоҳада эта олган соғлом тафаккур, пок имон эгаси ўзининг акли чегараланганлигини билиб, Аллоҳ таоло борлиғидан дарак берувчи далилларни ўрганиш ва тафаккур этишга киришиб, қалби Унинг Қудрати олдида тенгсиз ҳайратга лиммолим бўлади ва шу орқали ўзининг бандалик мақомини англашга эришади. Инсоннинг билими, ақл-идроки чегараланган, аммо бу ақл бир томчи сувда юзта денгиз моҳияти яширинганлигини тафаккур этишга кодир. Ана шундай ақл ҳам мислсиз Зотни англашда нисбатн бир томчи билан юз денгиздек бўлади. Шу қиёс ҳам нисбий эканлигини англамоқчи бўлган Навоий “тасаввур” сўзини ишлатиб, бу орқали Зотнинг моҳияти ва қудрати нақадар буюк Сир эканлигини таъкидламоқчи бўлган.

¹ Шаҳх Махмуд Шабустарий. Гулшани роз. Форстидан Ж. Камол таржимаси. – Т.: Тамаддун, 2013. – Б.19.

Аллоҳнинг Борлиғи – оламнинг борлиғига боғлиқ эмас. Агар бутун коинот йўқлик мақомига юз тутса ҳам, Худонинг мавжудлиғига ҳеч қандай таъсир кўрсатолмайди. Дунё борлиғи – денгиз устидаги мавжнинг лаҳзалик чайқалишига ўхшайди. Мавж ураётган денгиз устида ҳар онда янги-янги тўлқинлар пайдо бўлиши каби, Аллоҳ ҳам бир лаҳзада минг-минглаб шундай оламларни яратиб яна йўқ қилишга қодир. Унинг раҳмати чексиз бўлганидек, қаҳри ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади. Худонинг қаҳҳорлик сифати жилвагар бўлган пайтда жамийки яратиклар совуқ шамол – изғирин эсганда пашшалар йўқ бўлиб кетиши каби, ризо ва таслимиятдан ўзга чора тополмайдилар.

Олтинчи байтда Навоий “ярим пашша” ва “пилниход” сўзларини қўллаш орқали иккита қиссага ишора қилади. “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да берилишича, Иброҳим Халилуллоҳ (а) замонида Намруд исмли подшоҳ бутун оламнинг якка ҳукмдори бўлиб, ўзини Худо деб эълон қилади. **“Оқибат Иброҳим а. с. дуоси била Намруднинг сипоҳин паша ҳайли ҳалок қилди, еллар азоб била ани дағи ҳалок қилди. Ривоятдурким, ул паша Намруднинг мағзиға қасд қилса эрди, анинг манглайиға анинг нима урсалар эрди, таскин топар эрди. Иш бир ерга еттиким, тўқмоқ ясагги. Муттасил анинг бошиға биров урар эрди ва анинг ҳавосининг яхшироқ хизмати бу эрдиким, ул тўқмоқни анинг бошиға бир карак урғай, то бу азоб била жаҳаннамға борди”**¹.

Қуръони каримнинг “Фил” сурасига кўра, охирзамон Пайғамбари (сав) туғилган йили (милодий 570 йили) Абраҳа исмли бир ҳукмдор Каъба уйини бузиб ташлаш учун жанговар филлари билан Маккага қўшин тортади. Аллоҳнинг ҳукми билан абобил (пашшага ўхшаш бир нав қуш) Абраҳа ва унинг қўшинлари устига сопол тошлар отиб, уларни чайналган сомондек ер билан битта қилади. Навоий Аллоҳ таолонинг мислсиз кудратини васф этиб, бу кудрат олдида такаббурлик қилган бандалар аслида ярим пашшадан-да нотавон эканликларини Намруд ва Абраҳа қиссаларига ишора қилиш орқали янада жонлироқ, таъсирчанроқ кўрсатишга ҳаракат қилган.

Олимжон ДАВЛАТОВ

¹ Алишер Навоий. МАТ. 16 жилд. Тарихи анбиё ва ҳукамо – Т.Фан, 2000.–Б.86.

Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум,
Санга жон бирла кўнглумни, сени Тенгрига топшурдум.

Нишондур тийра бўлган ахтари бахтим саводидин
Туганларким, фироқинг ўтидин ғам шоми куйдурдум.

Йиғоч бирла бошоқким, танда қолмиш улдурур мархам
Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмимда синдурдим.

Туташти шамъдек ҳар бармоғим хижрон шароридин,
Илик мархам кўяй деб чун кўнгул чокига еткурдум.

Чу ул кофир чикар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,
Ки мен бечора кўнглумни боқиб турғунча олдурум.

Қотибдур кўзларимким, не ёпилмоқ, не таҳаррук бор,
Қиё боккайму бир деб азм этарда баски телмурдум.

Юзин кўргач бошимға тушти мушкин зулфи савдоси,
Фиғонким, бир боқишда юз бало бошимға келтурдум.

**Кўнгул тинмасға қолмиш эрди, ҳар навъ орзу бирла,
Ризо кўйида то кўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.**

**Макон гулхан кулин қилдим Навоий, телбадек, яъни
Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум.**

V--- / V--- / V--- / V---

Мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун

Ҳажази мусаммани солим

Луғат

Ахтар – юлдуз.

Жунун – жиннилик, ақлдан озиш, савдойилик.

Зулф – соч, аёлларнинг икки чаккасидан туриб турадиган
кокиллари, тасаввуфда касрат аломати.

Илик – қўл.

Йиғоч бирла бошоғ – буғдойнинг пояси ва бошоғи.

Мархам – малхам.

Мушкин – мушк ҳидли; мушк рангли, қора тусли.

Нишон – белги, аломат; тамға; дарак; байроқ; фармон; хат, Мактуб.

Ризо – розилик тасаввурдаги холатлардан бири.

Савод – қоралик, қора тус; қоронғи, қоронғилик; хат, ёзув.

Таҳаррук – ҳаракат, ҳаракатланиш; кимираш.

Торож – таламоқ; ўғирламоқ.

Туған – доғ, белги; темирни кизитиб тамға қилиб босиш. натижасида қолган из.

Шарор – учқун, аланга; товланиш, ярқираш.

Ҳамрах – ҳамроҳ, йўлдош.

Менинг кўнглим жоним билан бирга сенга ҳамроҳ бўлиб борди, мен эса дард билан (ёлғиз) қолдим,

Жон билан кўнглимни сенга, ўзингни эса тангрига топширдим.

Баданимдаги доғлар хиралашган бахтим юлдузининг қоралигидан бир белгидир, зеро, улар ҳам қоронғилигида айрилиқ олови билан куйдурганимнинг оқибатидир.

Баданимда қолган ўқ дастаси ва унинг учидаги бошоғи жунун (ақли заифлик)дан даводир, (аслида) улар сенинг фироқинг туфайли баданимга ёғилаётган ўқларнинг синганларидир.

Кўнгилнинг чокига малхам қўяйин деб қўлимни унга (кўнгилга) текизган эдим,

Ҳижрон алангасидан ҳар битта бармоғимга ўт туташиди.

Агар у маъшуқа чиқадиган (кўринадиган) бўлса, эй мусулмонлар, зинҳор нигоҳ ташламанглар, (Ахир), мен боқиб турган ҳолимда(ёк) кўнглимни олдириб қўйдим.

Менинг кўзларим қотиб қолган, улар на ёпилади, на ҳаракат қилади,

Ваҳоланки, мен бир марта жаҳд қилганида қиё боқиб қолармикан дея термилиб турдим.

Бир марта юзини кўргандан кейин ранги ва хиди мушкка ўхшаш сочи туфайли бовшимга шайдолик тушди, мен афсусдаманки, бир боқишда юзта балони (ўз бошимга ўзим) келтирдим.

Кўнгил турли-туман ўй ва орзулар билан ҳеч тиним билмайдиган бўлиб қолди, Ризолик сари қадам қўйганимдан кейин эса кўнглим тинчланди, осойиш топди.

Эй Навоий, мен гулхан кулини ўзимга макон деб билдим, яъниким, Жунун (жиннилик васвасаси) хуруж қилганидан кейин охир-оқибатда қора тупрок устидан макон топдим.

Шарҳ ва изоҳлвр

*Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳинг, мен дард ила турдум,
Санга жон бирла кўнглумни, сени Тенгрига топшурдум.*

Навоийнинг ошиқона ғазалларидан бири бўлган мазкур шеър инсоний туйғуларнинг самимий ифодаси сифатида алоҳида эътиборга моликдир. Унда ошиқ қалбнинг табиий ва самимий эътирофлари акс этган. Бу ерда ҳам туркона тасвирнинг жозибадор кўринишлари кишига завқу хузур бағишлайди. Поэтик фикрнинг жилваси бу ерда ҳам бетакрор. Биринчи мисрада шоир ўз хаёлларининг ёрда эканлигини таъкидалаб кўрсатмоқда. Шу фикр “менинг кўнглим жоним билан биргаликда сенга ҳамроҳ бўлиб кетди” тарзида ифодаланган. Фақат кўнгил ва жонини “жўнатган” ошиқ дил эгасининг “дард ила туриши (туриб қолиши)” тушунарли ва изоҳларга муҳтож бўлмаган ҳолатдир. Кўнгилнинг жон билан бирга боришини “жон” деб бирга бормоқ” тарзида ҳам тушуниш имконияти мавжуд. Айни пайтда улар ёрга омонат. Омонатни асрайдиган одамнинг ўзи ҳам соғ-саломат бўлиши керак.

Поэтик фикрнинг жилваси бу ерда ҳам бетакрор. Биринчи мисрада шоир ўз хаёлларининг ёрда эканлигини таъкидалаб кўрсатмоқда. Шу фикр “менинг кўнглим жоним билан

биргаликда сенга ҳамроҳ бўлиб кетди” тарзида ифодаланган. Кўнгил ва жонини “жўнатган” ошиқ дил эгасининг “дард ила туриши (туриб қолиши)” тушунарли ва изохларга муҳтож эмас. Кўнгилнинг жон билан бирга боришини “жон” деб бирга бормоқ” тарзида ҳам тушуниш имконияти мавжуд. Айни пайтда улар ёрга омонат. Омонатни асрайдиган одамнинг ўзи ҳам соғ-саломат бўлиши керак. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон “жон бирла кўнгул”ни ёрга, ёрнинг ўзини эса оллоҳга топширади. Буларнинг ифодаси таносиб (кўнгил, жон, сен, мен, тангри), таъдид (кўнгил, жон; улар борди, мен қолдим, сенга кўнгил ва жонимни, ўзингни тангрига топширдим), тафрик (кўнгил жон бирла борди, мен дард ила турдум), тазод (борди, қолдим), ташхис (кўнгил билан жонга шахслик хислатлари юкланмоқда), тарде акс (кўнгул, жон, жон кўнгул), тақрир (Кўнгул – кўнглум, жон жон, Сан, сени, бирла – бирла), иштиқоқ (Кўнгул – кўнглумни, Санга – сени), аллитерация (бирла борди; турдум, Тенгрига топшурдум) сингари тасвир воситалари орқали амалга оширилган.

Кейинги байтда кўнгил билан алоқадор бўлган бир белгига урғу берилади. Бу ундаги доғлардир.

Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон “жон бирла кўнгул”ни ёрга, ёрнинг ўзини эса оллога топширади. Буларнинг ифодаси таносиб (кўнгил, жон, сен, мен, тангри), таъдид (кўнгил, жон; улар борди, мен қолдим, сенга кўнгил ва жонимни, ўзингни тангрига топширдим), тафрик (кўнгил жон бирла борди, мен дард ила турдум), тазод (борди, қолдим), ташхис (кўнгил билан жонга шахслик хислатлари юкланмоқда), тарде акс (кўнгул, жон, жон кўнгул), тақрир (Кўнгул – кўнглум, жон жон, Сан, сени, бирла – бирла), иштиқоқ (Кўнгул – кўнглумни, Санга – сени), аллитерация (бирла борди; турдум, Тенгрига топшурдум) сингари тасвир воситалари орқали амалга оширилган.

Кейинги байтда кўнгил билан алоқадор бўлган бир белгига урғу берлади. Бу ундаги доғлардир.

*Нишондур тийра бўлган ахтари бахтим саводидин
Туганларким, фироқинг ўтидин гам шони куйдурдум.*

Бу фақат кўнгилдаги яраларнинг изларигина эмас, балки бахтсизлик (агар саводнинг “қора” деган маъноси ҳам мажудлигини эътиборда тутадиган бўлсак, уни “қора бахт” ёки

“бахтимнинг коралиги” тарзида ҳам тушуниш мумкин) нишонларидир. Унинг пайдо бўлиш сабаби ҳам аён: лирик қаҳрамон уни ҳам шомида фироқ ўти билан куйдирган, натижада мана шундай доғ, из пайдо бўлиб қолган.

Лирик қаҳрамон ўз руҳий ҳолатини тавсиф этишда давом этади. Албатта, унинг бу ҳолати ҳам бевосита айрилиқ билан алоқадор.

*Йиғоч бирла бошоққим, танда қолмиш улдурур марҳам
Жунундинким, фироқинг ўқларин жисмида сундурдим.*

Байт маъносини изоҳлашда унинг синтактик қурилишидаги мураккаблик анча қийинчиликларни туғдиради. Гап айрилиқ (“фироқ”) изтироблари устида бормоқда. Ошиқ танаси фироқ ўқларидан (камон ўқларининг ёғоч қисми ва учидagi темири (“бошоғи”ни эсланг) қолган асорат туфайли азиат чекади. Аммо бунинг битта фойдали жиҳати ҳам бор: у ошиқлик туфайли пайдо бўлган жунун (жазава, кучли эҳтирос) учун муносиб малҳам ҳамдир (эҳтимол, бу ерда жунун кўзгалган пайтда уни жисмоний куч билан (уриб) даволаш назарда тутилаётган бўлиши мумкин?! Ҳар ҳолда ўқнинг синиши ошиқ танаси билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқ).

Ҳижрон изтиробларининг тавсвири янада кучайтирилади. Агар олдинги байтларда ҳижрон олови ҳақида гап борган бўлса, энди бу ерда ўша оловнинг авж олиб бораётганлиги, алангага айланганлиги (“ҳижрон шарори”) қайд этилади:

*Туташти шамъдек ҳар бармоғим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам қўйи деб чун кўнгул чокига еткурдум.*

Одатда чок йиртилган, дарз кетган нарсаларда бўлади. “Ўзбек тилининг изоҳди луғати”да унга “тешиқ, тирқиш; чкварликда: газлама, тери ва ш.к.дан итқилган буюмларнинг тикиб бириктирилган жойи” деб изоҳ берилган. Кўнгул “тикилган”идан кейин, албатта, унда оғриқ пайдо бўлди. Киши онгсиз, инстинктив равишда ҳам оғриган ерига қўл юборади. Ҳижрон алангаси ловуллаб турган жойда малҳам қўйиш учун юборилган қўлнинг ҳолатини тасаввур этиш қийин эмас. Бу

худди шамдан ўт туташгандек тасаввур хосил қилади: бармоқлар ҳам аланга ичида қолади.

Нақвбатдаги батда ошиқнинг мавжуд ҳолати янгича бир талқинлар билан изоҳланади. Энди ҳамма нарса “кўз” тушунчаси атрофида бирлаштирилади:

*Чу ул кофир чиқар кўз солмағайсиз, эй мусулмонлар,
Ки мен бечора кўнглумни боқиб тургунча олдурдум.*

Байтларда қўлланган иборалар ҳам (“кўз солмағайсиз”, “кўнглумни боқиб тургунча олдурдум”) шу маъно билан бевосита боғлиқ. “Ул кофир” бу ерда фақат ёрнинг – маъшуканинггина истиоравий ифодаси эмас. У айни пайтда кўз тавсифини ҳам англатади. Лирик қахрамон ўз атрофидаги кўнгиладошлари (“мусулмонлар”)га мурожаат этаркан, уларни кутилмаган бир “қисмат”дан огоҳлантирмоқчи бўлади: сизлар учун энг тўғри йўл ўша кофирга назар солмасликдир, дея уқтиради у. Бунинг далили ҳам тайёр: “мен оддийгина қараб турганимнинг ўзида кўнглимни олдириб бўлдим”. Унинг гуноҳсиз ва айбсизлигига ҳам яхшигина ишора бор (“мен бечора”).

Олдинги мисралардаги мантиқий қамров янада кенгайиб боради. Энди ошиқнинг ёр юзига мунтазам тарздаги тикилиб – “телмуруб” туришларининг “сабаблари” изоҳланади:

*Қотибдур кўзларимким, не ёпилмоқ, не таҳаррук бор,
Қиё боққайму бир деб азм этарда баски телмурдум.*

Бу ерда натижа ва унинг сабабалирини шарҳлашга мойиллик устувор. Биринчидан, кўзлар қотиб қолган (юқордаги байтда “жунун” ҳақидаги мулоҳаза ҳам бор эди). У бир нуктага тикилиб туриш демакдир. Бунинг “не ёпилмоқ, не таҳаррук бор”лиги далиллаб туради. Маълум бўлишича, бунинг ҳам бош чвбвби бор экан. Ҳақиқий ошиқ ҳеч қачон умидсизланмайди. Унинг кўнгилида ҳар доим мунтазам бир ишонч бўлади. Бу ёр илтифотига кўз тутишдан иборат. “Қиё боққайму бир деб” ифодасида мана шу маъно мужассам.

Тасвирдаги таранглик давом этади. Кутилган ҳолат юз беради ҳам:

*Юзин кўргач бошимга тушти мушкин зулфи савдоси,
Фигонким, бир боқишда юз бало бошимга келтурдум.*

Аммо ёр дийдорини кўриш кўнгил изтиробларини камайтирмайди, аксинча, уларнинг янада шиддатлироқ тус олишига баҳона бўлади. Энди оўйқнинг бошига ёрнинг “мушкин зулфи савдоси” кўшилади. Байтда қўлланган ибора “юз бало бошимга келтурдум”нинг ҳам ўз, ҳам кўчма маъноларга эгаллиги ҳам тасодифий эмас. Ундаги “юз бало”нинг фақат азият, кулфатга эмас, балки “мушкин зулф”га ҳам дахлдорлиги сезилади.

Тасвир жараёни қайта “кўнгил”га кўчади. Яна Навоий томонидан кашф этилган янги иборалар кўзга ташланади. Булар “Кўнгул тинмас” ва “кўнглумни тиндурдум” ифодалари орқали берилган. Унинг ҳозирги адабий тилимиздаги бир варианты “кўнгли тўлмок”дир. Бу ибора “мамнун бўлмок, қаноат ҳосил қилмок, тичланмок” маноларига эга¹.

*Кўнгул тинмасга қолмиш эрди, ҳар навъ орзу бирла,
Ризо кўйида то кўйдум қадам кўнглумни тиндурдум.*

Кўнгилнинг истак ва орзулари чяексиз, чегарасиз. Навоий буни “Кўнгул тинмасга қолмиш эрди” тарзида ифодалайди. Шунга қармай, лирик қаҳрамон бунинг чорасини опади. У “ризо кўйида қадам” кўйиш билан бу муаммони ҳал қилади. Тасаввуфда ризо алоҳида руҳий макомга эга. Унинг моҳияти ...дан иборат.

Охирги байт талқинлари ҳам анча нозик ва муаммолидир. Уни биринеча йўсинда изоҳлаш мумкин. Ваҳоланки, гап инсон кўнглининигт тозариши устида борар экан, унинг олам ва одамларга боғлиқ ҳодисалардан

*Макон гулхан кулин қилдим Навоий, телбадек, яъни
Жунун торожидин охир қаро туфроққа ўлтурдум.*

Ҳазалнинг қофиялари ўзак сўзларга эмас, балки қўшимчаларга таянади. Ваҳоланки, Навоийнинг ўзи бу хилдаги

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, Иккинчи жилд – Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2006, 459-бет.

кофиларга кўп рағбат билдирган эмас. Ҳатто Атоийдек шоирни айти мана шу хилдаги ҳаракати учун “қофиясида айибгинаси бор” деб танқид ҳам қилган эди. Шунга карамасдан ғазалдаги бу ҳолат муқобилида унинг жарангдорлигини орттиришга хизмат қиладиган бошқа имкониятлардан унумли фойдаланилганлиги ҳам сезилиб туради. Бу, назаримизда, айрим унли ва жарангли ундошлар миқдорининг кўпайтирилгани билан ҳам алоқадор. Жумладан “а” товуши 9, “и” товуши 8, “у” товуши 6, мартадан; р – 8, н – 7, л, м, н ундошлари эса 5 мартадан такрор қўлланган. Унли ва жарангли, хусусан, сонор ундошларнинг бундай миқдори (байтда қўлланган жами товушлар (84)нинг ярмидан (43) кўпроғи) аффиксал кофиялар туфайли хиралашishi мумкин бўлган оҳангдорликнинг тўлақонли равишда юзага чиқиши учун муносиб омил бўла олган.

Боқижон ТҶХЛИЕВ

Миллийлик Алишер Навоий ғазалларининг асосий хусусияти сифатида

«Ҳа, инсоният турлича йўллардан борсагина ўзининг ягона мақсадига эриша олади, ҳар бир халқ ўзига хос тарзда яшасагина жами халқлар хазинасига ўз улушини қўша олади. Ҳар бир халқнинг ўзига хослиги нимадан иборат? У фақат ўзига хос фикрлаш тарзи ва нарсаларга муносабатида, динда, тилда, айниқса *урф-одатларида* намоён бўлади. Бу шарт шароитлар ғоят муҳим, ўзаро чамбарчас қўшилган бўлиб, бир – бири билан боғлиқдир ҳамда уларнинг ҳаммаси умумий манбадан-ҳамма сабабларнинг сабабияти-*иклим ва макондан* келиб чиқади. Ҳар бир халқнинг ана шу хусусиятлари орасида *урф-одатлар* деярли энг муҳим аҳамият касб этади, халқнинг деярли энг характерли фазилатларини ифода қилади», - деб ёзган эди буюк танқидчи В.Белинский¹.

Адабиётдаги ҳар бир образ шу миллатнинг тасавури, дунёқараши, урф-одатлари, анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир. Хатто географик муҳит, тарихий шароит ҳам мана шу образлар тизимининг шаклланишига тегишли таъсир кўрсатади. Биргина мисол: маймун образи ҳинд адабиёти учун хос образлардан биридир. Бу образ ҳинд адабиётининг энг қадимги тарихидан бошлаб ҳозирги замонавий адабиётигача учрайди. Академик А.Қамовнинг шоҳидлик беришича, «Беруний маймунлар тўғрисида ҳиндларда ажойиб бир тасавур борлигини хикоя қилади. Унинг ёзишича, ҳиндлар маймунларни Романинг шайтонларига қарши урушида унга ёрдам кўрсатгани учун киёфаси ўзгариб қолган инсонлар деб билганлар»².

Адабиётда бадий рамзлар деган тушунча мавжуд. Мана шу тушунча замирида ҳам аслида адабиётнинг миллий хусусиятлари ётади. Гап шундаки, рамзлар фақат ва фақат миллий дунёқараш, қадимий анъаналар, маҳаллий урф-одатлар билан зич алоқадорликда пайдо бўлади, шу миллий муҳитда ривожланади, такомиллашади. Унинг бир миллий анъаналар доирасидан ташқарига чиқиши нисбатан кейинги ҳодиса ҳисобланади. Бундай ҳолатда улар умуминсоний характер касб этади.

В.Г. Белинский *Адабий орзулар. Адабий-танқидий мақолалар*. Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, - 6 б.

Қаюмов А. *Беруний ва адабиёт*. Тошкент, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 35-бет.

Халк кўшиқлари мана шундай рамзларга бойлиги билан эътиборлидир. Мумтоз адабиётимизни ўрганишда ҳам рамзлар билан ишлаш зарурати жуда каттадир. Аслида мумтоз адабиётимиздаги кўплаб образларнинг поэтик рамзлардан иборат эканлигини эътироф этишга тўғри келади. Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, адабиётнинг энг қадимги даврлари поэтик рамзларнинг шаклланиш ва барқарорлашиш даври сифатида қаралади¹. Буни қадимги туркий адабиёт мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Биргина «Таъбирнома»ларни эслаш кифоя. Улар тушларни йўриш – таъбир қилиш билан алоқадор бўлган адабий ёдгорликлардир. Уларнинг замиридаги воқеликни кўриш, кузатиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, таъбирномадаги образларнинг жуда катта қисми бевосита рамзийликка таянади. Рамзий образларнинг халқ эътиқоди ва тасавуридаги маъноси уларнинг бадий адабиётдаги яшовчанлигига асос бўлган. Рамзий образларнинг пайдо бўлиши ва барқарорлашиши кўплаб ижтимоий, бадий-эстетик омилларга боғлиқ бўлади.

Адабиётда миллий хусусиятларни акс эттиришнинг хилма-хил шакл ва усуллари мавжуд. Энг аввало, бу миллатнинг яшаш тарзи, фикрлаш йўсини, уни қуршаб турган оламни кўриши, шу кўрганларини акс эттириш усуллари билан боғлиқ. Махмурнинг «Ҳапалак» шеърида қуйидаги мисраларни биламиз:

Вору йўқ уйларини банд баён гар қилсам,
Бир катак, икки қапа, уч олачук, тўрт каталак.

Ушбу мисралар XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларидаги – Махмурнинг ўзи замондош бўлган воқеликнинг бадий-сатирик тасвиридир. Бу тасвир реал ҳаётни акс эттиради. Кейинги мисрада инсоннинг яшаши учун мўлжалланган жойларнинг номлари келтирилган. Аммо уларнинг ҳар бирида ўз маъно нозикликлари ҳам мавжуддир. Буларнинг орасида, аслида, инсоннинг яшаши учун мўлжалланган мослама маъносини қапа ва олачукқина беради, холос. Улар ҳам яшаш учун муваққат жой маъноларига эга. Катак ва каталак эса ҳайвонлар ва қушларнинг сақланиши учун мосланган вақтинчалик жой ёки мослама маъноларига эга. Изоҳли луғатда уларга қуйидагича тавсифлар

¹ Қаранг: Турдимов Ш. Бирнинг минг жилваси. Камалак. Адабий-таъкидий йиллик тўплам. Тошкент, «Ёш гвардия». 1989, 73-74-бетлар.

берилган: «Капа [ф-т] вақтинча яшаш учун дарахт шохлари ва йирик ўт-ўланлар билан ўраб қилинган хона, ёзлик уй; чайла»¹, у кўпинча ўт-ўлан ва қамишдан ҳам ясалади. «Катак» [ф-т] 1. Парранда ёки айрим жониворлар туриши учун махсус ишланган уйча, бўлма»².

«Каталак. Катакдай кичик, кўримсиз уй, хона»³.

«Олачик. Капа, чайла»⁴.

Бу ҳам миллий хусусиятларни акс эттиришнинг бир усулидир. Фурқатнинг машҳур «Келинчак» шеърида миллий кийим-бош, такинчоклар, аёлларнинг ўзларига оро бериш воситалари орқали шу вазифа адо этилган:

Сурмадин кўзлар қаро, кўллар ҳинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда тобу ўсмадин қошлар таранг.
Заъфароний кўйлак узра арғувоний камзихул
Рўймол оғушидин пешонани аҳволи танг
Бори нозик панжалар олтуз узукдин зебнок,
Кўл биларзукдин музайян, нукрадин огизда чанг.
Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баногўшида банд,
Кўринур, зулфи тунида субҳи содикдек аранг
Ғамза бирла ўлтурур, гаҳ жилвалар бирла юрур,
Гурфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу сатанг
Ақлу хуш елтар агар турса, паридек силкиниб,
Одамизод ичра ҳам мундоғ бўлурму шўх шанг?
Йўқ кутулмоқлиғ менга, ул офати жон дастидин,
Қасдиға қошлар камон, райваста мужгонлар хаданг
Ул париваш ишқидинки, телбадурмен, гоҳ соғ,
Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу гоҳи жанг.
Жаврлар ким, Фурқат, ул шўхи жафоғў айлади,
Мунча бедоду ситам қилмас мусулмонға фаранг.

Келинчак образининг жаҳон адабиётида кенг тасвирлаганини алоҳида таъкидлаш зарурати йўқ. «Этинмиш келин» («ясаниб олган келин») образи қадимги туркий адабиётда ҳам учрайди. Шунга қарамай, Фурқатнинг мазкур ғазали ўзбек адабиётидаги энг яхши лирик асарлардан бири сифатида эътироф этилади. Бунга асосий сабаб, тасвирдаги миллий бўёқларнинг

¹Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Иккинчи томлик, I қ. - М.: Русский язык, 1981, 357-бет

²Ўша китоб, 372-бет

³Ўша китоб, 372-бет

⁴Ўша китоб, 530-бет

иштироки, уларнинг ўзига хослигидир. Мана шу «миллий бўёқлар» қандай акс этган деган савол эса ўринли бўлади.

Анвар Обиджонда бир қатор образлар мавжудки, уларни миллий қадрият ва анъаналарсиз тасаввур этиш анча мушкул бўлади. Улардан биттасини келтирамиз:

Хотинни «киш-киш»лайман:

- Кўп сайрама, кушанда!

Сал кут...

Бўлмам кашанда,

Ичишним ташлайман.

Ҳатто тилни гунг тийиб,

Шеър ёзмасман,

Кўрасан.

...Мени эслаб юрасан

Сен ўшанда кўк кийиб¹.

Мана шундай юморга йўғрилган шеърдаги «кўк кийиб» ифодаси фақат «тийиб» сўзига қофиядошлиги нуктаи назаридангина муҳим эмас. У ўзида такрорланмас миллий колоритга эгаллиги билан ҳам аҳамиятлидир. Ярим ҳазил, ярим жиддий руҳдаги шеър мазкур ифода туфайли табиийлик, жонлилик, таъсирчанлик касб этади. Муҳими, шеърдаги ўзбекона самимиятни таъминлаб турган унсурлардан бири ҳам айна мана шу «кўк кийиб» ифодаси бўлади.

Лутфийнинг машхур ғазалларидан бирида эса миллийлик бошқачароқ тарзда акс этган:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масалдурким: «Чароғ туби қаронғу».

Тутармен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «Оққан арикка оқар сув».

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,
«Кишининг кўзидур, оре, гарозу».

Кўзунг конимдин иймонмас¹, ажабтур,
Ки «Кўрқар, қайдаким қон кўрса хинду».

Тилар васлингни Лутфий, кил ижобат²,
Ки айтурлар: «Тилаганни тилогу»³.

Бу ғазалдаги миллийлик бир неча усуллар билан таъминланган. Улар қаторида шаклий-поэтик унсурлар билан биргаликда халқ мақолларидан фойдаланиш ҳам бўртиқ ҳолда кўзга ташланади.

Ҳар бир жанрнинг бу борадаги алоҳида имкониятларга эгаллигини таъкидлаш жоиз. Масалларда асарнинг таянч нуқтаси рамзий ва мажозий образлар зиммасига тушади. Уларда халқнинг турли эътиқод ва тасаввурлари, ишончлари, мифологик қарашлари ҳам акс этади. Ёз билан Киш, турли мевалар, айрим ҳайвон образлари шу вазифаларни адо этади. Бироқ «қадимги Дуне ва ўрта асрлар санъатидаги рамз ва аллегориялар фақат диний-мифологик асосагина эга деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Зеро, мажоз кўпинча ахлоқий-маиший ёхуд ҳатто керагича ёрқин ифодаланган ижтимоий характер касб этади».

Бадий адабиётдаги кўплаб образларнинг чуқур миллий хусусиятлар билан суғорилганини қайд этиш жоиз. Масалан, «бодрезак (калина) бутаси, гуллаётган олма дарахтлари рус халқ кўшиқларида ёш киз, янада кенгрок олинадиган бўлса, гўзаллик ва ёшлик рамзи бўлиб келади. Бургут – жасорат, журъат рамзидир; у ёш йигитни, кўпинча, куёвни, шунингдек, умуман жасур кишини ифодалаб келади. Какку образи ёлғиз қолган, ҳижрондаги аёл рамзи сифатида фойдаланилади. Булбул эса бахт, мухаббат, шодлик ифодачисидир. Қарға эса ғам-ташвишлар, кулфат, бахтсизлик, айрилиқлар хабарчисидир. Рус халқ лирикасида турмушга чиққан аёлнинг аччиқ тақдири, қайғулари рамзи сифатида тол, самбиттол намоён бўлади» (Храпченко, 232-233-бетлар).

Ўзбек адабиётида гул, булбул, олма, шафтоли, беҳи, анор, ой, куёш, нур, шам, парвона (капалак), май, қадах, соқий, майхона, ринд, ошиқ, маъшуқа сингари образларнинг бадий

Иймонмас – иймонмайди, ҳазар кичмайди
ижобат-қабул қилиш
тилогу-эҳтиром қилиш, бағишлаш

тимсол сифатидаги ўрни ва аҳамиятига бу ўринда тўхташ шарт эмас.

Мумтоз адабиётимизда рамз ва мажозларнинг хилма-хил кўринишларига ниҳоятда бой. Бунга Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Яқиний, Алишер Навоий, Нишотий, Гулханий, Анбар Отин, Увайсий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодларидан яхши намуналарни эслатишимиз мумкин.

Албатта, булар орасида Алишер Навоий шеърояти айрича мақомга эга. У фақат ўзбек адабиётининг эмас, балки бутун туркий дунёнинг, Шарқ адабиётининг, жаҳон адабиётнинг ҳам бу борадаги энг мухташам ютуқларини олий даражада намоён этган мутафаккир ижодкор сифатида жаҳоний эътироф қозongan. Алишер Навоий асарларида дунёвий ва тасаввуфий ғоялар шу даражада уйғунлашиб кетганки, баъзан уларни ажратиш, уларнинг орасига қандайдир чегаралар қўйиш номумкиндир. Шунинг учун ҳам айрим талкинларда уларнинг бир томони эътиборга олингани ҳолда, бошқа бир томонининг эътибордан четда қолиши тасодифий эмас. Аслида бу навоёна полифониянинг ниҳоятда мухташам ва мураккаб инъикосини идрок этиш, ҳис қилиш ва тушуниш билан боғлиқ ҳодисадир. Бундай ўринларда ижодкор томонидан амалга оширилган бадиий кашфиётлар моҳиятининг тадқиқотчи томонидан ҳам айни шу даражадаги идрок этилиши талаб этиладики, бу нарсанинг қийин ва оғирлиги, кўп ҳолларда эса мураккаб номумкинлигини эътироф этишга тўғри келади. Улардаги ўзига хослик ҳар бир ғазалнинг такрорланмас образлар тизимига, беназир поэтик мушоҳада ва бадиий талкинлар бойлигига эгаллиги билан белгиланади. Зеро, “Бадиий адабиёт, мураккаб эстетик қурилма бўлиб, учта асосий қатлам: 1) муайян моддий тизим (товушлар, сўзлар, санъат турига қараб ранглар)дан; шу тизим амалга оширадиган мураккаб мазмун (маъно) майдонидан; 3) ғоявий-эмоционал (яъни муайян матн усти “ҳаёт модели”ни юзага келтирувчи ғоялар занжири) тизимдан таркиб топади. Эстетик ахборотнинг бу уч асосий қатлами мазкур бадиий асардаги ягона бутунликда мужассамлашадиган объективлик ва субъективликнинг яхлитлигини таъминлайди. Бу, бир томондан, ижод жараёнининг ижтимоий борлиққа бевосита боғлиқ эканлигини, унинг қонуниятларини бузиш тўлдириб бўлмас йўқотишларга олиб боришини, иккинчи томондан, эса мана шу ижодий жараён

асосида ўз субъектив изланишларини амалга ошираётган субъект – ижодкор туришини англатади.

Амалда бу ёзувчининг конкрет адабий-ижтимоий мухит вазиятида муайян ижтимоий реалликдан бадиий реалликка ўтиб, образлар тизимида муайян қадриятлар концепциясини ёки аниқроқ қилиб айтганда, ҳаётий концепциясини шакллантирган ҳолда *ижтимоий вазифаларни* бажаришини англатади. Шунинг учун ҳам у гўё ижтимоий қадриятлардан типологик тузилмаларга, бутун ва қисмнинг уйғунлигига, симметрия ва бошқаларга томон ҳаракатланаётганга ўхшаб туюлади. Шунинг учун ҳам бадиий асар бизнинг кўз олдимизда, бир томондан, ҳар қандай бошқа предметлар каби ўзининг муайян қурилишига эга бўлган объект, иккинчи томондан, ижтимоий қадрият аҳамиятига молик бўлган объект сифатида гавдаланади”¹. Буни идрок этиш эса муайян даражадаги адабий-эстетик тайёргарликларни талаб этади. Ўйлаймизки, мазкур китоб айни мана шу йўлда ёшларимизга муносиб ёрдамчи бўла олади.

Мазкур китобда мутафаккир адиб ғазалларининг бир қисми мана шундай рамзий-поэтик йўналишдаги шарҳ ва изоҳлари билан келтирилмоқда. Уни тайёрлашда олдинги китобдаги тамойилларни саклаб қолишга ҳаракат қилинди. Бунда ғазал матнидан кейин унинг вазни кўрсатилади, қисқача луғат илова қилинади. Насрий баёнлар эса алоҳида ҳам, айрим ҳолларда эса матн ичида ҳам келтирилди. Илмий шарҳ ва изоҳлар алоҳида рўқни ташкил этади.

Бу ғазалларни илмий жиҳатдан шарҳлашда «ИТД -1-165 рақамли “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш» мавзусидаги грант лойиҳаси асосида раҳматли устоз – филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов, йирик навоийшунос олим, профессор Иброҳим Ҳаққулов, устоз Ваҳоб Раҳмонов, истеъдодли олимлар Каромат Муллахўжаева, Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Зухра Мамадалиева, Сирдарё Ўтанова, таджикотчилар Феруза Азимова, Ҳулқар Алиқуловлар жиддий меҳнат қилишди. Китобда уларнинг айрим намуналари жамланган.

Албатта, бу шарҳларнинг муаллифлари мукамаллик даъвосидан мутлақо йироқ. Шунга қарамай, Навоийни ёшларга,

Поляков М. Вопросы поэтики и художественной семантики – Москва, 1978, С.18-19.

ёшларимизни буюк Навойга яқинлаштириш истаги ва иштиёки мазкур йўналишдаги ишларни амалга оширишга ундаб туради. Айрим таклиф ва мулоҳазаларни эса улар мамнуният билан қабул қилишади.

Ўрни келганда, мазкур йўналишга оид ижодий ишларни амалга ошираётган барча мутахассисларни ҳам бу борадаги амалий ҳамкорликка даъват этамиз.

Бокижон Тўхлиев,
филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

Равзаву гул еттию ичмас ул ой гулгун кадах (Д.Юсупова).....	3
Эй манга жонбахш гулбарги тарингдин тоза рух (Д.Юсупова).....	10
Гадойи фақр ила сўз айта олмас подшо густох (Д.Юсупова).....	15
Бахор сенсиз ўлуптур манга ажаб дўзах (Д.Юсупова).....	22
Тонг эмастур, бўлса ҳар сарви парийрухсор шўх.....	27
Ваҳки. хижрон шарбатидин бизга бўлди ком талх (З.Мамадалиева).....	30
Солди бир ойдин айру мени ибтилоға чарх (З.Мамадалиева)	35
Хонақаҳда ҳалкайн зикр ичра ғавго килди шайх (З.Мамадалиева)...	40
Одамки, башар насли силкига эрур пайванд (Д.Юсупова).....	46
Сен уз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлокидин хурсанд (Д.Юсупова).....	54
Ёп ул юз ойинасин чексам охи дардолуд. (З.Мамадалиева).....	60
Қошинг меҳробини васл аҳли этмиш киблайи максуд (З.Мамадалиева).....	65
Демагил қўйини беному нишонларға малоз (О.Далатов).....	71
Эй зотинга ҳар неча килиб ақл тафаккур (О.Далатов).....	75
Кўнгул жон бирла борди ҳамраҳини, мен дард ила турдум (Б.Тўхлиев).....	79

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИ

(насрий баён, шарҳ ва изоҳлар)

Техник муҳаррир	Умид Раҳимов
Дизайнер	Баҳодир Тўхлиев
Саҳифаловчи	Бекзод Раҳматов

Босишга рухсат этилди: 10.11.2014.
Офсет қоғози. қоғоз бичими: 60x84 ¹/₈
Times гарнитураси. Офсет босма.
Шартли б.т.: 6. Адади 300 нусха. Буюртма № 40

«BAYOZ» МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.